

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА  
ОИД ИННОВАЦИЯЛАРНИ  
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИГА  
ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ**

**2021**

**Рахмонов К.Ж. тарих фанлари номзоди,  
доцент**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ОИД  
ИННОВАЦИЯЛарНИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ  
ФАНИГА ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ”**

**МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Ўзбекистон тарихи**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** **К.Ж.Рахмонов** тарих фанлари номзоди, доцент.

**Тақризчи:** **Ш.А.Ҳайитов** тарих фанлари доктори, профессор.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	24
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	77
V. ГЛОССАРИЙ .....	93
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	97

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

**“Замонавий таълим тизимида оид инновацияларни Ўзбекистон тарихи фанига тадбиқ этилиши”** модули олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида ташкил қилинади.

### Модулининг мақсади ва вазифалари

**“Замонавий таълим тизимида оид инновацияларни Ўзбекистон тарихи фанига тадбиқ этилиши”** модулининг мақсади:

Ўзбекистон тарихи бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, Ўзбекистон тарихини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

**“Замонавий таълим тизимида оид инновацияларни Ўзбекистон тарихи фанига тадбиқ этилиши”** модулининг вазифалари:

- Ўзбекистон тарихининг қадимги, ўрта асрлар, совет даврига оид тадқиқотларни янгича қарашлар ва инновациялар орқали таълим тизимида тадбиқ этилишига эришиш;
- Ўзбекистон тарихи таълим мининг моҳиятини мукаммаллаштириш;
- Ўзбекистон тарихи бўйича маъруза, амалий ва мустақил таълим олиш дарсларини ташкил этиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш.

### Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаларига қўйиладиган талаблар

**“Замонавий таълим тизимида оид инновацияларни Ўзбекистон тарихи фанига тадбиқ этилиши”** курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchilar**:

- жаҳон етакчи университетларининг ўқув методларини;
- хорижда Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича дарсликлари, ўқув қўлланмалари структурасини;
- жаҳон ва республикамизнинг Ўзбекистон тарихи фанининг ривожи ҳақида билимларни;
- Жаҳон цивилизациясининг мукаммал, ривожланиб бориш жараёнларида Ўзбекистон тарихи фанининг алоҳида фан мавқеига эга бўлганлигини;
- Қадимги, ўрта асрларда ва ҳозирги даврдаги Ўзбекистон тарихи фанининг долзарб муаммоларни, тарихий назарияларини мукаммал ўрганиш **кўникмаларига эга бўлиши** зарур;
- креативлик ва ижодийликни Ўзбекистон тарихига оид фанларни ўқитишида қўллана олиш **малакаларини эгаллаши лозим**.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва  
узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги “Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Замонавий таълим тизимига оид инновацияларни Ўзбекистон тарихи фанига тадбиқ этилиши орқали хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар ва йўналишга мос зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат		Аудитория ўқув юкламаси	
		Хаммаси	Жами	Жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	Ўзбекистон тарихининг қадимги даврига оид тадқиқотларга янгича қарашлар ва инновацияларни таълим тизимиға тадбиқ этилиши	2	2	2	
2.	Ўрта асрлар тарихи: янгича талқин ва ёндашув	2	2	2	
3.	Ўзбекистон тарихининг совет даври тарихига ёндашув	2	2	2	
4.	Ўзбекистон тарихининг бугунги тарихшунослик муаммолари	2	2	2	
5.	Илк давлатчилигимиз тарихий илдизлари	2	2		2
6.	Қадимги Бақтрия кавийлиги	2	2		2
7.	Илк ўрта асрларда Сўғдиёна	2	2		2
8.	Турк ҳоқонлиги ва Араб халифалиги даври	2	2		2
9.	Ўзбекистон илк уйғониш даврида	2	2		2
10.	Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида	2	2		2
<b>Жами</b>		20	20	8	12

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Ўзбекистон тарихининг қадимги даврига оид тадқиқотларга янгича қарашлар ва инновацияларни таълим тизимиға тадбиқ этилиши.**

#### Режа:

- Хусусий мулқчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизлари.

2. Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимида оид янги тадқиқотлар натижалари.
3. Қадимги Бақтрия кавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар, илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши.

### **2-мавзу: Ўрта асрлар тарихи: янгича талқин ва ёндашув.**

**Режа:**

1. Илк ўрта асрлар Сўғдиёна ҳунармандчилигитарихини ўрганишга доир янгича ёндашувлар.
2. Марказий Осиёга Араб халифалиги босқини.
3. Турк хоқонлиги давлатининг Ўзбекистон давлатчилигига тутган ўрни масаласи. IX-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида сулолалар бошқаруви.

### **3-мавзу: Ўзбекистон тарихининг совет даври тарихига ёндашув.**

**Режа:**

1. Совет даври тарихига замонавий ёндашув.
2. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошув ва таҳлиллар.

### **4-мавзу: Ўзбекистон тарихининг бугунги тарихшунослик муаммолари.**

**Режа:**

1. Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида.
2. “Янги Ўзбекистон-янгича дунёқараш” ғоясининг мазмуни.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Илк давлатчилигимиз тарихий илдизлари.**

**Режа:**

1. Хусусий мулқчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизлари.

2. Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимиға оид янги тадқиқотлар натижалари.

**2-мавзу: Қадимги Бақтрия кавийлиги.**

**Режа:**

1. Қадимги Бақтрия кавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар.
2. Илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши.

**3-мавзу: Илк ўрта асрларда Сўғдиёна.**

**Режа:**

1. Илк ўрта асрлар Сўғдиёна ҳунармандчилиги тарихи.
2. Илк ўрта асрлар Сўғдиёна ҳунармандчилиги тарихини ўрганишга доир янгича ёндашувлар.

**4-мавзу: Турк ҳоқонлиги ва Араб халифалиги даври.**

**Режа:**

1. Турк ҳоқонлиги давлатининг Ўзбекистон давлатчилигига тутган ўрни масаласи.
2. Марказий Осиёга Араб халифалиги босқини.

**5-мавзу: Ўзбекистон илк уйғониш даврида.**

**Режа:**

1. IX-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида сулолалар бошқаруви.
2. Уйғониш даври буюк аждодларимиз илмий мероси.

**6-мавзу: Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида.**

**Режа:**

1. Совет даври тарихига замонавий ёндашув.
2. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошув ва таҳлиллар.

## П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### 1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик груухларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топширик шу схема асосида бажарилади:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

### 2. “Кейс-стади” технологияси

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш

кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим оловчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қўйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим оловчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўкув натижалари.

### **3. “Концептуал жадвал” ГО**

Таълим оловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим оловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида Годан қўйидагича фойдаланилади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Талабалар мавзу ва Годан фойдаланиш коидаси билан таништирилади

Талабалар кичик гурӯхларга бириткирилади

Гурӯхлар ўзларига берилган топширикни бажаради

Гурӯхлар ечимни синф (гурӯх) жамоаси ҳукмига ҳавола этади

Гурӯхларнинг ечимлари синф (гурӯх) жамоасида мухокама қилинади

### **4. “Кластер” ГО**

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим оловчилар билан якка тартибда, гурӯҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари

сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

### **5. “Конференция” методи**

Технология таълим оловчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўкув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиши сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиш асосида таълим оловчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қиласди.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим оловчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишлирида ёрдам беради.

### **6. “Кичик гурухларда ишлаш” методи**

Метод таълим оловчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиши кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Уни қўллаш таълим оловчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёкатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим оловчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтёрлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқища педагогик вазият, таълим оловчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгалик инобатга олинади.

### **7. “ФСМУ” методи**

График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиягини шакллантиришга хизмат қиласди.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:


№	Тушунчалар	(Φ)	(C)	(M)	(Y)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

### 8. “Қарорлар шажараси” (“қарор қабул қилиш”) стратегияси

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хulosаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қиласди.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим олувчилар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув таҳтасидан фойдаланади):



## “Ақлий ҳужум” методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар.

“Ақлий ҳужум” методининг оғзаки туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволлар берилади:

1. Таълим жараёнида қадриятлар тизимининг ўрнини кўрсатинг?
2. Ўзбекистонда таълимни ташкил этишининг асосий босқичларини очиб беринг?
3. Таълим жараёнининг ички имкониятлари ва муаммоларииининг муҳим жиҳатларини таърифлаб беринг?
4. Болония декларациясининг асосий ютуқлари ва камчиликлари?
5. Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашувида фалсафанинг ролини очиб беринг?
6. Таълимнинг қайси шаклларини биласиз?

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволларга ёзма тўлиқроқ вариантда жавоб ёзишлари талаб этилади:

1. Таълим фалсафасининг моҳияти нималардан иборат?
2. Дунё таълим маконида гуманитар таълимни ташкил этиш имкониятлари?

<b>Ақлий ҳужум</b>	-(брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йифиш
<b>Усулни асосий ғояси</b>	-ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил килиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-харакати учун бу ғоя асосий кўрсатгич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф килишга ундейди.

<b>Қоидалари</b>	Имкони борича қўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
<b>Таълим берувчи</b>	<p>Қатнашчиларни 3-4 гурухга бўлади ва хар бирига муаммолар таклиф этади (<b>Илова 1</b>)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан);</li> <li>-юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид килишдан кайтариб туради;</li> <li>-хар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди;</li> <li>-талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказади (блиц сўров) (<b>Илова 2</b>).</li> </ul>
<b>Фидбэйк</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш;</li> <li>-энг тўғри ғояларни қўллаб-кувватлаш</li> </ul>

### 3. Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

#### Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

#### Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гурухи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қиласи, синтез қиласи, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қиласи” деган қоидасига амал қилиш.

### Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шакланади.


### “ЛОЙИХА” методи



**“Лойиҳа” методи** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гурӯхларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosा чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаиназаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Қўйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.



## “Лойиха” методининг босқичлари ИЛМИЙ МАҶОЛА ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Таълим олувчиларга модул мавзулари доирасида эркин мавзу танлайдилар, улар мавзу ҳусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз илмий маҷолаларини тайёрлайдилар (ҳажм 4-5 варақгача)

### “Инсерт жадвали”

Тинловчиларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришиб уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Тинловчилар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари билан таққослади, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

**Намуна:**

Инсерт жадвали

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР”**

V	+	-	?
---	---	---	---


“V”- ..... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

“+” ..... ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

“-” ..... янги маълумотлар

“?” ..... мавзуға оид туғилган саволлар

**“Т-жадвал” методи**

Жадвал шаклида берилган топшириқни моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга ошириш талаб этилади. Жадвалнинг ўнг ва чап томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатлари баён этилади, масала ечими юзасидан якуний хуносага келинади.

**Намуналар:**

<b>Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълимнинг ўзига хос хусусиятлари</b>	

<b>Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ютуқ ва камчиликлари</b>	

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуносса ёки гоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** “Динларни ўрганишда самарали услублардан бири минтақавий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш,

баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- ишлирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир ишлирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”**

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Қиёсий динишунослик</i>			
<i>Виждон эркинлиги</i>			
<i>Дин социологияси</i>			
<i>Тотем</i>			

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан

ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушиунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

### “Бумеранг” технологияси

**Максади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

#### Амалга ошириш босқичлари:

- Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақика давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .
- Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гурӯҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳакқида фикр алмашиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.
- Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларининг хар бири ўқиган маълумот ҳакқида фикр алмашиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.
- Барча дастлаб шаклланган гурӯҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гурӯҳларга бериш учун савол

шакллантиради.

5. Ҳар бир гурухдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.
6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гуруҳни эълон қиласди.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинганди материални мазмунини тушуниб олишга харакат килинг, сўнг гуруҳда мухокама қилинг

<b>1- гурухга вазифа</b>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштирса, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскриптни тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширса бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</li> <li>- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</li> <li>- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали</li> </ul>
<b>2- гурухга вазифа</b>	<p>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиласди, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варакланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз биланбиргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эфектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинганди суратлар ёки архив кадрлари, ҳужсатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>

<b>3- гурӯҳга вазифа</b>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий мультимедиявийлиги сабаб журналистиканинг фотоиллюстрациялаширишининг синтетик варианти бўлиб, мустақил жсанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашиётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эфект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуralар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
<b>4-гурӯҳга вазифа</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.</li> <li>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга маҳсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</li> </ul>

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1-мавзу: Ўзбекистон тарихининг қадимги даврига оид тадқиқотларга янгича қарашлар ва инновацияларни таълим тизимиға тадбиқ этилиши.**

Режа:

1. Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизлари ҳақида.
2. Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимиға оид янги тадқиқотлар натижалари.
3. Қадимги Бақтрия кавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар, илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши.

**Таянч сўзлар:** Обираҳмат манзилгоҳи, нумизматик материаллар, антропогенез жараёни, жамият тараққиётининг цивилизацион кўриниши, уй–кўрғонлар, қалъалар, шаҳар ҳаробалари.

#### **Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизлари ҳақида**

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлар томонидан катта аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, долзарб мавзуларни ўз ичига олган кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди, қатор илмий адабиёт, монографиялар нашр юзини кўрди, фан юзасидан тегишли муаммоларни қамраб олган, республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманлар ташкил қилинди, дунёning нуфузли ва етакчи илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди, замонавий талабларга асосланган қатор янги авлод ўкув адабиётлари чоп этилди. Мазкур ўзгариш ва янгиликларни қуйида олинган аниқ далил ва мулоҳазалар баёни орқали таҳлил этиш мақсадга мувоғиқ бўлур эди. Археолог ва антрополог олимлар томонидан ибтидоий жамоа тузуми даври юзасидан қатор изланишлар амалга оширилди. Фарғона водийсидаги

қадимийлик даражаси 1 млн. йил бўлмиш Селенгур ғоридан топилган палеолит даврига оид “фергантроп”одами қолдиқларининг ўрганилиши ҳамда 2003 йили ўзбек археологларининг халқаро экспедиция билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари натижасида Обираҳмат манзилгоҳидан топилган қадимги тош даврига оид инсон қолдиқлари Ўзбекистон – инсоният пайдо бўлган ҳудудлардан бири бўлганлигини тўлақонли равишда исбот қилди. Шунингдек, ўзбек давлатчилигининг юзага келиши ва шаклланиши, қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғд давлатлари тарихи юзасидан эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилди. Ўтмиш аждодларимиз томонидан яратилган муҳим тарихий манба бўлмиш – “Авесто” китобининг ватани Хоразм воҳаси эканлиги исбот қилинди. Мамлакатимиз худуди қадимданоқ Шарқ ва Ғарб савдо-иқтисодий муносабатлари туташган, турли маданиятлар уйғунлашган жой ҳисобланган. Заҳматкаш ва меҳнатсевар, туб жой ўтрок аҳоли томонидан Узунқир, Бандиҳон, Еркўрғон, Афросиёб, Тупроққалъа ва бошқа кўплаб илк шаҳарсозлик маданияти асносида кейинчалик кўплаб маълум ва машҳур шаҳарлар вужудга келди. Мустақиллик йилларида таваллуд ёшлари минг йилликларга бориб тақалувчи, жаҳон ва шарқ цивилизацияси тараққиётiga катта ҳисса қўшган Самарқанд (2750 йил), Шахрисабз (2700 йил), Қарши (2700 йил), Термиз (2500 йил), Хива (2500 йил), Бухоро (2500 йил), Тошкент (2200 йил), Марғилон (2000 йил) шаҳарларининг юбилейларини кенг нишонланишида тарихчи, археолог, шарқшунос олимларимиз томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг самараси юқори даражада бўлди. Истиқлол йилларида Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий кўприк вазифасини ўтаган “Буюк ипак йўли” тарихи илк бора тадқиқ этилди. Маънавиятнинг ўзаги бўлмиш халқ хотираси, ўтмиш воқелигини англашга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Зеро, XXI-информацион технологиялар асри даврида инновацион ғоя ва ёндашувлар тарих фанига бўлган муносабатни янада юқори даражага кўтармоқда. Ҳозирги кунга келиб ижтимоий ҳаёт соҳасининг барча қатламларига инновация атамаси шиддат

билин кириб келмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалага катта аҳамият билан қаралмоқда. Мустақилликнинг дастлабки давриданоқ илм-фан соҳасига инновацияларни тадбиқ этиш масаласига катта эътибор билан қаралди. 1992 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Инновацион фаолият ва илм-фан ривожлантиришини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармонида таълим соҳаси, хусусан олий таълимда дастлабки инновацион ишланма, ғояларга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2008 йил 15 июлдаги қарори барча соҳаларда инновацияларни тадбиқ этишни замонавий ишлаш жараёнининг узвий бўлагига айлантирди. Мамлакатимизда илм-фан соҳасига қаратилаётган юксак эътибор боис фан соҳасидаги кашфиётлар, замонавий инновацион технологияларга оид лойиҳа ва ишланмалар амалий ҳаёт борасида тобора кенг равишда ўз ўрнини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фақат инновациялар, инновацион ғояларгина илм-фанини тараққий этишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги давр илм-фан ва таълим соҳасининг уйғунлашувини ҳам талаб қиласди. Кези келганда қайд этиш лозимки, таълим тизимининг сифат жиҳатидан такомиллашуви учун аввало илм-фан янгиликлари, инновацияларни ўзида жо этиши зарур. Юқорида билдирилган мулоҳазалар замонавий шароитда тарих фанидаги инновация, янгиликларни ўрганиш ҳамда бир жойга жам этиш, илмий жамоатчилик апробациясидан ўтган тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси жамоаси тарих фанидаги инновациялар билан кенг жамоатчиликни таништириш, уни амалиётга тадбиқ этиш, ёш тадқиқотчиларни илм-фан йўлига янада кенгроқ сафарбар этиш мақсадида юқорида қайд қилинган масалани ўз ичига қамраб олган илмий тўплам чоп этишга қарор қилди. Тўплам ўз ичига мамлакатимиз тарихининг турли

даврларига оид кўплаб воқелик, жараёнларни қамраб олган.

Тўпламга мақолалари киритилган муаллифлар ўз ишларида тегишли тадқиқот хулосалари билан чиқиб, ўзлари баён этган масала моҳиятининг янгича ечимини кўрсатганлар.

Ушбу тўплам ўз ичига замонавий ўзбек тарихшунослигига олиб борилган кўплаб тадқиқот, изланишлар ҳосиласини ижодий равишда қамраб олган. Таъкидлаш жоизки, тўплам шу йўналишдаги ишларнинг дебочаси бўлиб, унда фақат айрим муаллифларнинг инновациялари мужассам бўлган.

### **Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимиға оид янги тадқиқотлар натижалари.**

Қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда шунингдек, тарихий манбаларни таржима қилиш, таҳлил этиш, нумизматик материаллар баёни ҳам катта роль ўйнади. Ўзбекистон тарихининг воқелик ва жараёнларга бой бўлмиш ўрта асрлар даври тарихи бўйича ҳам кўплаб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. Шарқшунос олимлар томонидан шу даврга оид қатор тарихий манбалар таржима қилинди. Ўрта асрлар давлатчилиги ва давлат бошқаруви, ижтимоий-иктисодий муносабатлар хусусида илмий изланишлар амалга оширилди. Хусусан, туркий ҳоқонлик даври тарихи, туркий – сұғд симбиози, кам ўрганилган қораҳонийлар, қораҳитойлар тарихи масаласи атрофика ва чуқур ёритилди. Ўзбек халқининг этногенези масаласи бўйича тегишли тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб жараёнларга аниқликлар киритилди. Фанда инсониятнинг пайдо бўлиши жуда мураккаб масала бўлиб, бу жараён асосан археологик ва антропологик маълумотлар бўйича ўрганилади. Аммо, инсоният пайдо бўлишининг афсоналар, ривоятлар, илоҳиёт ва коинот билан боғлиқ бўлган назариялари ҳам мавжуддир. Мисол учун, якка худоликни тарғиб этган барча диний таълимотларда инсоннинг пайдо бўлиши ёки яратилиши илоҳиёт билан боғланади. Хусусан, “Библия” таълимотига кўра, одамзот худо томнидан 7 минг йил илгари “қизил лойдан” яратилган. Муқаддас Куръони Каримда эса одамнинг лойдан яратилиб Оллоҳнинг иродаси билан унга жон

ато этилгани таъкидланади. Зардуштийлик динида ҳам шунга ўхшаш ривоятлар мавжуд. Инсониятнинг илк вакиллари сифатида “Библия”да Адам ва Ева, Қуръони Каримда Одам ато ва Момо ҳаво, зардўштийликда эса Ийим номлари келтирилади. Ундан ташқари Европа олимларининг инсоният қандайдир кичик мавжудотлар (бактериялар)дан пайдо бўлганлиги ёки коинотдан тушган одам қиёфасидаги жонзотлар ҳақидаги назариялари ҳам бор.

Дунёвий фанлар, хусусан тарих фани юқоридаги ғоя ва назарияларни, ҳатто ҳозирги пайтдаги гепотезалар - кўринмас одам ёки коинотдаги одамлар кабиларни инкор этмаган ҳолда антропогенез жараёнини илм-фан ютуқларида эришилган натижаларнинг далилларга асосланиб ўрганади. Тарих фанида инсоният табиатнинг бир қисми бўлиб, у ердаги тараққиётнинг маълум босқичида вужудга келиб узлуксиз изланиш ва меҳнат туфайли такомиллашиб борганлиги ҳақидаги хуносалар қолган барча назариялар ҳамда ривоятлардан устунлик қиласди. Фанда одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни антропогенез (юонча “антропос” – одам, “генезис” - ривожланиш) деб аталади.

Илмий адабиётларда антропогенез жараёни қўйидаги тўртта босқичга бўлиб ўрганилади:

1. Одамнинг илк аждодлари.
2. Энг қадимги одамлар.
3. Қадимги одамлар.
4. Ҳозирги қиёфадаги одамлар.

Одамнинг ҳайвонот дунёсидаги аждодлар билан бөглиқлиги ҳақидаги ғоя инглиз олими Ч.Дарвинга тегишли бўлиб, унинг назарияси бўйича, инсоннинг ҳайвонот дунёсида ажралиб чиқишидаги асосий омиллар – табиий сараланиш ва жинсий танланишдир. Жамиятшунос олимлар бу жараёнда меҳнатнинг роли юксак бўлганлиги ҳам таъкидлайдилар.

Энг қадимги одамлар ўзларининг ривожланиш босқичларида меҳнат куролларининг турларини кўпайтириб ва сифатини яхшилаб борганлар.

Натижада уларнинг турмуш тарзида, жисмоний кўринишида ўзгаришлар бўлиб борган. Шунингдек, мия ҳажми ҳам ўзгариб борган. Ўрта тош асидаги турли сабабларга кўра, биринчи навбатда тинимсиз меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфасидаги одамлар ҳозирги қиёфали одамларга айлана бордилар. Улар жисмоний ва ақлий жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига етди. Одамнинг пайдо бўлиши ердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий тўқмоқ ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, тинимсиз интилиш натижасида юксак маданият яратиш даажасига етиб келди.

Антропогенез жараёнида меҳнатнинг ўзгартирувчанлик моҳиятини археологияга оид турли-туман манбалар тасдиқлайди. Турли даврларга оид моддий маданиятнинг алмашиши ҳамда янги асосларда ривожланиши моддий манбаларнинг ташки кўринишидан ҳам аниқланади. Кўп минг йиллар давомида ривожланган тарихий жараёнлар - одам ва жамият тараққиётида асосий, бош мезон меҳнат эканлигидан далолат беради.

### **Қадимги Бақтрия кавийлиги хақида айрим мулоҳазалар, илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши.**

Турли қадимги тиллар ёзма манбаларидаги Баҳди, Бақтриш, Бақтриёна, Бақтрия, Баҳди, Баҳлика (ҳинд манбаларида) йирик ўлка ва давлатнинг номидир. Бақтрия – бу Баҳди, Бақтра дарёси (ҳозирги Балхоб) номи билан боғлиқ бўлган тушунчадир. Рим тарихчиси Курций Руф бундай хабар қиласиди: «Бақтра дарёси номидан шаҳар ва вилоятнинг номи келиб чиқсан».

Дастлабки босқичда бу сўз ягона воҳанинг номи бўлиб, кейинги даврларда кенг худудга тарқалган Бақтрия тарихий–маданий вилояти, Бақтрия давлати (бир неча дарё воҳалари ва вилоятлари) маъноларида ишлатилган. Тарихий маълумотларга кўра, қадимги давлатларнинг номларига одатда дарё, қабила, халқ ва марказий шаҳарлар номлари асос солган. Ўрта Осиё халқларининг тарихида дарёлар муҳим ҳаёт манбаи вазифасини бажарган. Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг вилоятлари, асосан, дарё

ва шаҳарлар номлари билан белгиланган. Демак, Бақтра, Бақтрия сўзлари – бу географик тушунчалардир.

«Бақтрияликлар», «Бақтрия халқи» сўзлари қадимги манбаларда тилга олинниб, битта халқни ёки бир неча қариндош қабилаларни бирлаштирган тушунчани беради. Одатга кўра, бақтрияликлар ёзма манбаларда босқинчиларга (Оссурия подшоси Нин, Кир II, Македониялик Александрга қарши) турган халқ сифатида назарда тутилган.

Тарихий маълумотларга кўра, Бақтрия ерлари - бу Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмини, Жанубий Тожикистон, Сурхондарё вилоятини ўз ичига олган. Бақтрия ҳудудида энг қадимги одамлар тош давридан бошлаб ёйилган. Ўзбекистон ҳудуддига қарашли Бақтрия қисмida – Тешиктош, Мачай ва Зараутсой тош асри ёдгорликлари узоқ ўтмиш ҳаёти ҳақида далолат беради.

Ўзбекистонда энг қадимги пахса ва хом ғиштдан қурилган (аҳоли ўтрок дехқончилик хўжалигига эга) ёдгорликлар Сурхондарё воҳасидан топиб текширилган. Улар бронза даврига оидdir. Бронза даврида Бақтрия ҳудудида давлатчилик тизимиға ўтиш жараёни бошланган. Мазкур даврга оид сарой, ибодатхоналар топилган ҳамда юксак бинокорлик, хунармандчилик ва зироатчилик маданияти излари аниқланган.

Мил.авв. IX–VIII асрларга келиб, Бақтрия тупроғида ҳарбий аҳамиятга эга сиёсий бирлашмалар ташкил топган. Бу Ўрта Осиё аҳолисининг бир қисми кўчманчи чорвачиликка ўтган даврга тўғри келади. Сиёсий қарама-қаршиликлар авж олиб турган бу жараёнларда қуролланган отлиқларнинг ҳужумлари катта аҳамиятга эга бўлган. Бу босқичнинг тарихи ва ҳарбий йўлбошчиларнинг сиёсий қурашлари “Авесто”да тасвирланган.

Мил.авв. 700–540 йиллари қадимги Бақтрия давлатининг ривожланган даври бўлиб, унинг ҳудудий чегаралари: Ҳиндуқуш тизмаси, Бадаҳшон ва Ҳисор тизмасига бориб тақалган (дарё воҳалари – Балхоб, Қундуз, Панҷ, Вахш, Коғирниҳон, Сурхон). Бу илмий хulosани исботлаш тарихий географияга оид учун маҳсус мақолалар чоп этилган.

Юқорида кўрсатилган ҳудудий чегаралари бўйича Бақтрия давлати Ўрта Осиёда ривожланган дастлабки давлатлар ичида энг йириги бўлган. Қадимги Бақтрия ҳудудларига Ўрта Амударёда Хоразм ва сак–массагетларнинг ҳарбий–сиёсий уюшмасига тегишли ўлкалар чегарадош эди.

Марғиёна қадимги Бақтрия давлатининг таркибиغا кирган. Бундан ёзма манбалар далолат беради. Подшо Доро I нинг Марғиёнадаги қўзголонни тор–мор қилиши ҳакида Беҳистун ёзувларидағи қўйидаги хулоса мавжуд: “Мана нималарни мен Бақтрияда қилдим”. Доро III даврида Бақтрия ва Суғдиёна бирлаштирилган ўлка бўлиб, унда Бесс исмли сатрап ҳокимлик қилган. Марғиёна ва Бақтрия аҳолисининг урф–одатлари ҳамда маданияти бир–бирига анча ўхшаб ривож топган.

Видевдат китобида Бақтрия «энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири баланд байроқли, “тўзал ўлка” сифатида ёритилган. Сўнгги юон манбаларида Бақтрия – «минг шаҳарлар давлати» деб аталган. Бу тарихий анъаналарга нималар асос солган? Аҳамонийлар давлатида Бақтрия энг қудратли ўлкалардан бири ҳисобланганлигими ёки унинг табиий бойликларими, жасур жанговар отлиқ ва пиёда қўшинлари, йирик шаҳарлари ва қадимги замонларга оид тарихи, ҳалқи ва давлатими? Балки шу сабабларнинг ҳаммаси биргаликда ва шубҳасиз жуда қадимги замонларга оид Бақтрия ҳалқининг тарихий анъаналаридир.

Геродотдан аввал «Бақтрия ҳалқи» тушунчасини буюк Эсхил «Форслар» деган фожиасида ишлатган (саҳнада мил.авв.472 йилда ижро этилган). “Форслар”да ёш бақтриялик жангчилардан Тенагон ва Аритомларнинг исмлари тилга олинган. Улар Саламин жангидага ҳалоқ бўлиб (мил.авв. 480 йил) шу оролда дафн қилинган. «Бақтрия ҳалқи ҳалок бўлди» – деб Эсхил ўз асарида хулоса қилган. Айнан қадимги форс ёзувларида «Бақтрия» ва бақтрияликларнинг тилга олиниши мил.авв. 522 йилдан сўнгги даврларга оиддир. Бу расмий даражада, аммо олдинги замонларда ҳам Бақтрия ҳакида турли хабарлар Ўрта Шарқда кенг маълум эди. Шунинг учун ҳам Геродотнинг айтишича, Миср ва Бобил билан бир қаторда Бақтрия Кир II

нинг ҳарбий юришлариға тўсиқ бўлиб турган.

Шубҳасиз, бу Бақтриянинг муҳим ҳарбий ва иқтисодий аҳамияти ҳақида далолат беради (аҳоли, қудратли шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий ашёларнинг бойлиги, муҳим марказий савдо йўлларининг чорраҳаси, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, пиёда ва отлиқ қўшинларнинг юрти ва бошқалар). Бундан ташқари, Бақтрия Аҳамонийлар давлатининг узоқ шарқий чегараларида жойлашган подшо тахтини эгаллаш мақсадини ўз олдида қўйилган аҳамонийлар сулоласи вакиллари учун норасмий сургун жойи ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас (аҳамонийлар саройидан четлаштириш ва подшо тахтидан узоқлаштириш жараёнида). Маълумки, Смердис – Бардия подшо Камбизнинг буйруғига биноан ўлдирилган, Масист ўз акаси подшо Ксеркс билан тахт учун курашиб ҳалок бўлган. Артабон подшо Артаксерксга қарши чиқиб, Бақтрия қудратига таянган, мил.авв.330 йилда Бақтрия сатрапи Бесс Доро III ни ўлдириб, ўзини «Осиёнинг улуғ подшоси» Артаксеркс IV деб эълон қилган. Бу вазиятда ҳам тарих яна қайта такрорланган. Бесс Македониялик Александрга қарши курашни муваффақиятли давом эттириш учун Бақтрия ва Суғдиёнанинг ҳарбий қудратига ишонган.

Олимларнинг фикрига кўра, қадимги Бақтриянинг бир қисми бўлган Афғонистоннинг шимоли–шарқида (Кундуз, Кўкча дарёларининг воҳалари) Арёнам Вайжо мамлакати жойлашиши мумкин эди. У “Авесто”да Арёшайёна номи билан ҳам машҳурдир. Арёшайёна Кави Виштасп подшолиги бўлиб, Дрангиана, Саттагадия, Ария, Марғиёна ва Амударё ўрта оқимидағи вилоятларни бирлаштирган. Олимлар Кави Виштасп подшолигини Марв ва Ҳирот атрофида жойлашган “Катта Хоразм” деб ҳисоблашганлар (В.Б.Хенning ва И.Гершевич).

Бошқа тадқиқотчилар Заратуштра таълимотининг биринчи тарафдори – Кави Виштасп давлатини Бақтрия ҳудудига жойлаштириб, тарихий анъаналар Бақтрия тупроғида давлат вужудга келиши жараёни жуда қадимги даврларга оид деган фикрни олға сурадилар.

Археология манбалар қадимги Бақтрияда дастлабки шаҳарларнинг

вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини аниқлаш имконини беради. Бақтрияning шаҳар марказлари (улар асосан айрим вилоятларда ҳарбий–маъмурӣ хунармандчилик ва савдо–сотиқ аҳамиятга эга бўлган) асрлар давомида ҳаробаларга айланиб, ер остида қолиб кетган. Шундай марказлардан Боло Ҳисор (Бақтра), Олтиндилёр, Қизилтепа ва Бойтудашт ёдгорликларида археологик тадқиқотлар ўтказилган.

Бу шаҳарлар кенг майдонларда жойлашиб, қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Ёдгорликларда ҳом ғишт ва пахсадан қурилган уй–жойлар қазиб очилган. Қурилиш ва хунармандчилик анча ривож топган. Шаҳарларning бир қисмида ҳукмдорлар қароргоҳлари қалъа–қўрғонлар жойлашган.

Бақтрия айрим дарё воҳаларидаги бешта вилоятни бирлаштирган. Сурхон, Балхоб, Кофирниҳон–Ваҳш, Панҷ, Кўкча–Қундуз воҳалари шулар жумласидандир. Сурхон вилоятининг маркази Қизилтепа бўлган, Шимолий Афғонистонда йирик шаҳарлар қолдиқлари –Боло Ҳисор ва Олтиндилёрлар топиб текширилган. Боло Ҳисор ўрнида қадимги Бақтра жойлашган. Бу шаҳар Геродот ва Ктесийларнинг таъкидлашича, Бақтрияning маркази эди.

Ктесийнинг «Персиقا» асарида Бақтрияning жуда кўп ҳарбий истеҳкомлари ва қалъалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунда Бақтрия тупроғидан мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ уй–қўрғонлар, қалъалар ва шаҳарлар ҳаробалари топиб текширилган. Жумладан, Сурхон воҳасида жойлашган Кучуктепа, Талашқон, Жондавлат, Бандиҳон, Қизилча ва Шўртепа ёдгорликларини айтиб ўтиш лозим. Улар деворлар ва мудофаа буржлар билан мустаҳкамланган қалъалар ёки тўртбурчак шаклида қурилган уй–қўрғонлардир. Қадимги аҳоли суғорма дехқончилик билан шуғулланган. Ёдгорликларда сопол идишлар, бронзадан ва темирдан ясалган пичоқлар, ўроқлар, бронза идиш парчалари ҳамда ўқ учлари, жез игна ва бигизлар, сопол урчуқлар, тошдан ишланган қуроллар топилган.

Қурилиш, хунармандчилик – темирчилик, кулолчилик, тўқувчилик,

заргарлик, чармгарлик ва суформа дехқончиликнинг ривожланиши Бақтрияда қадимий маданият юксак даражадага тараққиётини кўрсатади.

### **Назорат саволлари:**

1. “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2008 йил 15 июлдаги қарори ни амалий аҳамиятини изоҳланг.
2. Инновациялар, инновацион ғояларнинг илм-фанны тараққий этишига таъсир кўрсатувчи муҳим омилларини сананг.
3. Туркий – суғд симбиози ҳақида маълумот беринг.
4. Илмий адабиётлардаги антропогенез жараёни тўртта босқичини исботланг.
5. Бақтрияда дастлабки шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини кўрсатинг.
6. Қадимги аҳоли суформа дехқончилик маданиятини талқин этинг.

### **2-мавзу: Ўрта асрлар тарихи: янгича талқин ва ёндашув.**

#### **Режа:**

1. Илк ўрта асрлар Сўғдиёна хунармандчилиги тарихини ўрганишга доир янгича ёндашувлар
2. Марказий Осиёга Араб халифалиги босқини
3. IX-XII асрлар Ўзбекистон худудида сулолалар бошқаруви.

**Таянч сўзлар:** Смароканса, «учрашув, анжуманлар жойи», Калтаминон маданияти, Сўғд худудида буддавийлик, христианлик ва манихейлик адабиёти, Қорлуқлар, Ўғузлар давлати.

### **Илк ўрта асрлар Сўғдиёна хунармандчилиги тарихини ўрганишга доир янгича ёндашувлар**

Турли манбалардаги Суғда, Суғуда, Суғдиёна номларининг келиб, чиқиши ва уларнинг маъноси ҳозирча номаълум. «Авесто»нинг Яшт

китобида тилга олинган “Суғд макони Гава”- Суғдиёнанинг энг қадимги вилояти бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга кўра, Гава (Гау) – «буқа», «пода», Қашқадарё воҳаси билан боғланади. Бу сўз вилоятнинг жуда кўп географик номларидан такрорланиб сақланган (Гавдара, Гавхона, тоғлар Гау, чўққи Гау ва бошқалар). Эҳтимол, “Гава Суғда” атамасида “кудратли Суғд” тушунчаси ўз аксини топган.

Қашқадарёда энг қадимги дехқончилик билан шуғулланган йирик марказлар ва уй–қўргонлари қолдиқлари мил.авв. X–VIII асрлар билан белгиланади. Шулар жумласидан Сангиртепа, Янгитепа, Чироқчитепа, Еркўргондир. Мазкур даврга оид Яшт маълумотлари Гава Суғда ҳақида эълон қиласиди.

Қадимги юонон тарихчилари Суғдиёнани Бақтрия ёки сак–массагетларга нисбатан камроқ тилга олганлар. Македониялик Александр юришларидан сўнг Суғдиёна ҳақида маълумотлар анча тўлиқ бўлиб, кенгайиб боради.

Суғдиёна – бу Зарафшон, Қашқадарё воҳаларида жойлашиб, жануби–шарқда Бақтрия ва шимоли–ғарбда Хоразм билан чегарадош бўлган. Қадимги замонларда Суғдиёна муҳим савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган. Суғдиёна ҳақида «Авесто», Геродот ва аҳамонийлар даври ёзувлари хабар қиласиди.

Суғдиёнанинг маркази Мароқанда шаҳри (сўғд тилида — Смароканса, «учрашув, анжуманлар жойи» деб таржима қилинади). Мароқанданингҳаробалари – бу ҳозирги Афросиёб шаҳар ҳаробаларидир. Аҳамонийлар даврида унинг майдони 219 гектардан иборат бўлиб, шаҳар мудофаа деворлари билан ўралган эди. Юонон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Мароқанданинг узунлиги 11 км.га яқин ташқи девори ва қўргони бўлган.

Суғдиёнанинг бошқа шаҳар марказлари – Қарши воҳасида Еркўргон, Қашқадарёнинг шарқий қисмидаги Узунқир (майдони 70 га) ва Самарқандан 30 км. шимолда жойлашган Кўктепа (майдони 100 га)

ёдгорликлари дидир. Бу ёдгорликларда ўтказилган археология тадқиқотлар қадимги Суғдиёна аҳолисиинг хўжалиги ва маданиятини чукурроқ ўрганиш имконини берди.

Топилган археология манбалар Суғдиёна ва Бақтрияning бинокорлиги, моддий маданиятининг бир–бирига анча ўхшаш ва яқин эканлигидан далолат беради. Бу ўхшаш кенг маданий муносабатлар тарақкий этиши асосида пайдо бўлган. Бундан ташқари, сўнгги аҳамонийлар даврида уларни бир ўлка –сатраплик бирлаштирган. Аҳамонийлар ёзувлари Суғдиёнадан Персепол саройига ложувард олиб борилганлигидан хабар беради, аммо ложувард конлари факат Бақтрияning Бадахшон тоғларида борлиги маълум.

Суғдиёна ҳудудига одамлар қадимги тош асридаёқ кириб келиб, ундан кейинги даврларда тоғ, дарё воҳалари бўйлаб кенг тарқала бошлиганлар. Қулай табиий–географик шароитда ибтидоий хўжаликлар ва моддий маданият ривожланган. Тош даврга оид археологик Омонқўтон, Қўтирулоқ, Зирабулоқ ва Самарқанд маконларида топиб текширилган.

Мил.авв. IV–III минг йилликларга келиб Зарафшон қўйи оқимида Калтаминонор маданияти шаклидаги тош қуроллар ва сопол идишлар тарқалади. Бронза даврида Қуйи Зарафшон тошқин сувлари ирмоқлари ҳосил қилган зах ерларда дехқончилик ривожланган.

Бронза даврида яшаш ҳудудлари тобора кенгайиб борганлиги, табиий бойликлар, янги конлар, суғориладиган ерлар ва кенг яйловлар қадимги қабилаларга доим зарур бўлгалиги ҳақида Зарафшоннинг юқори оқимида жойлашган Саразм маданияти далолат беради. Саразм топилмалари – кўп хонали уйлар, сопол буюмлар, қуроллар, зеб–зийнат буюмлари ва бошқалар мил.авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йиликка оиддир.

Чорвадор қабилаларга мансуб Самарқанд яқинидаги Мўминобод, Зарафшон тоғлари ёнбағридаги Сазағон, Қуйи Қашқадарёдаги Гужайли ёдгорликлари топиб текширилди.

Мил.авв. VII асрга келиб, Суғд зироатчи аҳоли Шарқий Қашқадарё, Қўйи Қашқадарё, Ўрта ва Қўйи Зарафшон воҳаларида жойлашган. Суғдиёна ҳудуди Нурота ва Ҳисор тизмалари ҳамда ғарбда даштлар билан чегаралланган. Ўтроқ вилоятлар марказлари Узунқир, Ерқўрғон ва Кўктепа ўрнида жойлашган. Мил.авв.VIII–VI асрларда Суғд ҳудудида давлатчилик тизими ривожланган.

Видевдат китобида Гава Суғда “энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган” иккинчи юрт сифатида кўрсатилган. Яшт рўйхатида Бақтрия тилга олинмаган, аммо Суғд Хоразмдан олдин ва Марғиёнадан кейин айтиб ўтилган.

Давлат ташкилоти. 6 асрнинг ўрталарида келиб эфталийлар давлати таназзулга учрай бошлаган. Турк хоконлигининг эфталийлар устидан қозонган ғалабаси (563-567 йиллар) дан сунг Ўрта Осиёда хоконлик хокимияти ўрнатилди. 6 асрнинг 60-70 йилларида Ўзбекистон ҳудудида бир нечта алоҳида мулклар булиб, улар расман турк хоконига буйсунар эди. Хитой манбаларида Самарканд Сўғди канн деган номда юритилган ва уни маҳаллий сулола вакили бошкариб турганлиги баён килинади. Умуман, Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё дарёларининг хавзасида тўққизта алоҳида мулкий ҳудуд мавжуд булиб, уларнинг хар бри шаха рва дехкончилик туманларида эга булган. Тарихий манбаларда алоҳида мулкий ҳудудлар Кан сулоласига итоатда булганлиги хусусида сўз боради. Хар бир маъмурий бирликнинг ўз номи бўлиб, улар қўйидагилардир: Маймурғ, Иштихон, Кушания, Бухоро, Нахшаб, Амул, Андхой ва Самарканд (Кан). Самарқанднинг хокими юқоридаги 9 мулк орасида каттаси саналган. Бошқалари қуч-қудрат жихатидан юксак бўлган Самарқанд хокими билан хисоблашиб муомалада юксак бўлган. Ҳатто айрим давлат бошликлари у билан куда-андачилик муносабатларини ҳам ўрнатган. Бухоро вилояти хокимлари Самарқанд хукмдорлари билан қон-қариндош бўлиб, улар умумий аждод тарафидан бир-бирлари билан чамбарчас боғланган эди. Бевосита Кан хукмдорига бўйсунган Бухоро хокими ҳам худи шу номдаги

унвон сохиби бўлган.

Самарқанд Сўғди хукмдорининг саройидаги аждодлар ибодатхонасида хар йилнинг олтинчи ойида курбонликлар келтириш маросими нишонланиб, унда маъмурий бирликларнинг хукмдорлари иштирок этганлар ва бу холат улар барчасининг кон-кариндошлиқ алокасида эканлигидан далолат беради.

7-асрнинг биринчи чорагида Кеш вилояти кучайиб, давлатнинг пойтахти хозирги Китоб ўрнидаги Кеш шаҳри бўлиб қолган. Манбаларга кўра, унинг хокими Тиш деган шахс бўлиб, бу даврда мазкур давлат бошлиғи кудратли хукмдорга айланади. манбаларда Кеш шаҳрига унинг томонидан асос солинганлиги қайд қилинади. 7 асрнинг ўрталарида эса Кеш хукмдори-ихшид Шишипир бутун Сўғднинг хукмдори сифатида тан олинган. У ўз номидан тангалар зарб эттирган, бошқа давлатларга эса расмий элчиларни юбориб турган. Жумладан, у Хитой давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Кейинроқ, тахминан 7-асрнинг иккинчи ярмида – Ахурпат хукмронлик килган даврда, Кеш ва Самарқанд ўртасидаги хукмронликни ўз қўлига қайтариб олишга эришади. Унинг хукмдори ихшид унвони сохиби булиш билан бир каторда Кеш хокимини таҳтдан ағдариб хукмдорига ихрид унвони берилади ва у Самарқанднинг хокимига меросий равища тобе бўлиб қолди. Самарқанднинг хокими ўша пайтда ихшид Вархуман бўлган.

Сўғдиёнанинг махаллий хокимлари Чоч ва Хоразмнинг мустақил хукмдорлари билан бирлашган эдилар. Йирик сиёсий бирликлар маълум муддатларда шаҳарлардан бирида уз курултойларини ўтказиб турганлар.

Хоразм бошқа шаҳар-давлатларга нисбатан анча мустақил эди. Мамлакатни Афригийлар сулоласига мансуб подшолар бошқариб турган. 6-7 асрларда Хоразм ўз бошидан иқтисодий инқирозни кечириб турган. Хоразмликлар бошқа давлатлар, хусусан, Шарқий Европа давлатлари билан савдо-сотиқ муносабатларида бўлишган. Хоразм маданияти ўз қиёфасини сақлаб қолган ва ҳеч қандай ташқи таъсирга учрамаган эди.

Сўғдиёнанинг худудига ўша вақтда хозирги Панжикентдан Карманагача булган ерлар кирган. Бухоро эса 7 асрда мустақил мулклар иттифокидан

иборат алохига бирлашма сифатида Самарқандга буйсунмай колган. Унинг подшоси бухорхудот унвони соҳиби бўлган.

Фарғона Кан сиёсий иттифоқига кирмаган бўлиб, у алохига мустакил давлат эди. Уни афшин бошқарган. Фарғона Тангритоғ халқлари билан ўзаро алоқада бўлган.

6-7 асрларда юртимиз худудида юз берган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар археологик ва ёзма манбалар асосида ўрганиб чиқилга. Мазкур илмий тадқикотларнинг натижаларига суюнган холда ўша даврларда Сўғдиёна, Хоразм ва Фарғона хамда мазкур тарихий-географик худудларга карашли мулкларда дехкончилик, бодорчилик, айниқса узумчилик, пахта етиштириш ва уй чорвачилиги ривож топганлигини англаш мумкин. Иқтисодий хаётнинг муҳим жихатларидан бири саналган савдо-сотиқ ва хунармандчилик ҳам бу асрларда гуллаб-яшнади.

Араблар даврига кадар ривожланган сугориш тизими булган. Самарқанд шахрини сув билан таъминловчи алохига сув тармоғи ўша вактда мавжуд эди. Кушаниянинг Нарпай, Бухоро воҳасининг эса Шопурком, Самарқанд атрофининг Работи Хожа деган жойида учта сув тармоғига ажralувчи каналлар сув билан таъминлаган. Араблар Самарқандга келган пайтларида унинг теварак-атрофидаги далаларнинг яшиллиги, бодларнинг ободлигини куриб хайратланиб колганлар. Бу мазкур жойларда кишлок хужалиги ва тармокларининг равнак топганлигидан далолат беради. Дехкончилик сунъий сугоришга асосланган, шу билан бирга лалмикор дехкончилик хам кенг ривож топган. Зироатчиликда ғалла, нўхат, шунингдек, пахта етиштирилган бўлса, бодорчиликда узум ва бошқа турдаги мевалар: гилос, шафтоли, очадан хосил олинган. Чорвачилик соҳасида йирик шохли моллар, қўй, эчки боқилган бўлса, от, хачир ва эшакдан улов сифатида фойдаланилган. Сўғд ва Фарғонанинг зотдор отларига Хитойда талаб-эҳтиёж ниҳоятда ката эди ва айнан шу мамлакатга эксперт килинар эди. Туялардан текисликлар, дашт ва чўл минтақаларида транспорт ва уй хайвони сифатида кенг фойдаланилган.

Сўғда ипак толаси етиштирилган. Пахта, жун ва ипак толасини қайта ишлаш заминида мато ишлаб чиқариш анча ривожланган эди.

Манбаларда Сўғдда май тайёрлашнинг анча юксак даражада эканлиги ҳакида маълумотлар бор. Бу ернинг узуми май тайёрлаш учун нихоятда боп эканлиги ҳакида суз юритилади. Узумдан тайёрланган ичимлик ката захиралари зодагонларнинг уйларида сакланган .

6-7 асрларда савдо-сотик ишлари жанубдан шимолга томон кучган. Бунда воситачилик килиш сугдийларнинг кулига утди. Улар нафакат куруклиқда, балки шу билан бир каторда Каспий денгизи оркали хам савдо ишларида фаоллик килганлар. Бу борада Пойканд шаҳрини алоҳида тилга олиш лозим, чунки мазкур жойда савдогарлар кўп истикомат килганлар ва уша вактдаги олди-сотдиларни факат шулар амалга оширганлар. Шу боисдан бу шаҳар «савдогарлар шаҳри» яъни «мадинат ат-тужжор» деб бежиз айтилмаган.

Сўғддан чет мамлакатларга мевалар: шафтоли, оқ ва сарик олча, чорва молларидан куйрукдор куйлар, шунингдек, йилкилар чиқарилган.

Сўғднинг атрофлари тоғлар билан ўралганлиги боис, бу ерларда олтин, мис, темир, калайи, кумуш сингари рагли металларнинг конлари талайгина бўлган. Кеш тоғларидан қизил туз, олтин қазиб олинса, Илокдан қуму шва калайи, Маймурғдан латун, олтин қазиб чиқариларди. Мазкур маҳсулотларнинг зарур кисми ички эҳтиёжлар учун булса, колгани экспорт сифатида чиқариб турилган. Юқоридаги мисоллар топганлигидан далолат беради. Металлургияда турли ашёлар ва меҳнат уроллари: белкурак, болта, ўроқ, мих, тақа ва хунармандчилик буюмлари: пичоқ, қайчи, безак ашёлари, кенг йўлган қўйилганди. Шунинг учун ҳам сўғд харбийлари куролланиш жихатидан бошқа худудлар ахолисига Караганда анча устун турганлар.

Кумуш, бронзада турли идишлар ясалар, шу билан бир ктаорда бундай ашёларнинг сирти нақши-нигорлар билан ўйма раившда ишланар эди. Олтиндан ясалган халқалар, билагузуклар, сирғалар, кўзмунчоқ феруза, дуруғавҳарлар билан безатилиб чиқарилар ва жуда бой буюмлари саналар эди.

Муғ тоғидан қарийб 150 хил матоларнинг нусхаларини топилиши бу ерда тукимачиликнинг ривож топганидан далолат беради. Мазкур топилмаларнинг асосий кисми пахтадан тайёрланган матолардир.

Ижтимоий тузумга тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаб қўйиш лозимки, 7- асрда харбий тукнашувларнинг купайиши иктиносидий хатда ката узгаришларни юзага келтирди. Биринчидан, марказланган хокимият заифлашди, иккинчидан, нотинчлик маълум даражада иктиносидий тангликини юзага келтирди. Бунинг окибатида шахарлар тушкунликка юз тутиб, уларнинг майдони кискариб борган, ката оиласлар эгалик килган қўрғон-қалъалар ахамияти ошди ва купайди. Хоразм ва Сўғд худудларида бундай қўрғон-қалъаларнинг атрофида дехкончилик мавзелари хамда уларда дехконлар ва савдогарларнинг мустахкам уй-қўрғонлари тўпланиб колган эди.

Сўғд вилояти ахолиси асосан савдогарлар, хунармандлар, такводорлар, харбий аскарлар, шунингдек, зироаткор ва чорвадор қатлам вакиллари саналган.

Албатта, ижтимоий катламлар орасида дехконлар мавкеининг устунлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Чунки улар зодагонлар саналиб, ахолини бошка катламига нисбатан бой-бадавлат ва йирик ер-мулкларига эгалик килишган. «Кашаварз» ёки «Киштукор-кунандалар» катлами вакиллари дехконлардан ижарага ерларни олиб, маълум даражада тўлов бериш эвазига иш юритганлар. Аккор, чорикорлар эса мардикорлик қилиш билан кун кечирганлар.

Жамиятда диндор шахсларнинг ахамияти улкан эди. Улар турли диний маросимлар ва удумларни адo этишда оммага раҳбарлик килганлар. Вағн, яъни ибодатхона хужалиги хам уларнинг қарамоғида бўлган.

Маданият. 7-8 асрларда маданий жаранлар жамиятдаги сиёсий-иктиносидий ва ижтимоий воқеалар билан ўзаро таъсирда ривожлана борган. Бу даврда турли халқларнинг тил ва ёзув турлари бир-бирларига таъсир ўтказди. Сўғдийлар тили ва ёзуви ўзига хос эди. Унинг айрим сўзлари ва тушунчалари

хозирги ўзбек тилида ҳам сақланиб қолган.

Араб ёзувига кадар турк-руний (милоддан аввал шаклланган), уйғур (тахминан, 7 аср), монивий (милодий 6-7 асрлар), сўғд, браhma ва сурёний ёзувлари мавжуд бўлган.

Шимолий Мўғулистаннинг Урхун ва Селенга дарёлари вохасида топилган Тунюқуқ, Қултигин, Билга Хоқон, Куличур, Унгин битиги сингари ёдгорликлар шулар жумласига киради. Туркий-рун ёзувларини туркий халклар, туркий тамға (белги) лар негизида ихтиро килганлар деган фикр мавжуд.

Сўғд ёзувлари кенг худудда таркалган. Бу жараён сўғдларнинг янги ерларни ўзлаштириш фаолияти ва савдогарларнинг «Буюк ипак йўли» даги саъй-харакатлари билан боғланган. Шунинг учун ҳам сўғд тилидаги ёзма ёдгорликлар Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Покистон ва Мўғулистан тупроғида топиб текширилган.

Сўғд ёзуви оромий алифбоси асосида шаклланган бўлиб, унинг таркибида 25 та харф булган ва улар сулдан унгга томон ёзиб чикилган. Сўғд ёзуви иш юритишда, савдо ва маданий алокаларда катта ахмиятга эга булиб, кадимги уйғур, мўғул ва манжурлар ёзувлари пайдо бўлишига асос бўлди.

Сўғдларнинг ўз тақвимлари бўлиб, унда хар бир ойнинг номлари аниқ қилиб кўрсатилган ва белгиланган.

Сўғд худудида буддавийлик, христианлик ва манихейлик адабиёти намуналарининг сүғд тилида баён килиниши мазкур тилнинг устунлигидан далолат беради.

Ўша даврда Хоразмда махаллий ёзув ҳам кенг таркалган ва амалда бўлган. Тупроқкальъадан шоҳ архивларининг топилиши шундан далолат беради.

Бой безакар, сопол, металл идишлар, деворий суратлар, хатто кийимлардаги тасвиirlар бу ерда тасвирий санъатнинг тараккиётидан далолат беради.

Диний карашларда зардуштийлик етакчи уринда турган. Ахурамазда,

(Ормуз, Хурмуз) «само ва ернинг асосчиси» бўлиб, унинг шарафига курбонниклар келтирганлар.

Сўғдийларнинг Еттисувдаги айрим ерларга бориб ўрнашишлари окибатида зардуштийлик билан ўша ерга хос шамонийлик динларининг бир-бiri билан қўшилуви юз берди.

Олтойдан Сўғдга кўчиб келган айрим туркий уруғ-аймоқлар эсазардуштийликни кабул килган эдилар. Уруғ-аймоқларнинг оташпарамстликни кабул килишлари қуидаги мисолларда ўз аксини топган: улар бўш ётган ернинг атрофини тўсиқлар билан ўраб олиб, у ерга кишилар жасадларини ташлайдилар. Кейинроқ жасаддан қолган суюк қолдиқларини йиғишириб олиб, уларни кўмиб юборгандар ёки маҳсус сопол тобутчакастодонларга сақлаганлар. Сирти турли нақшлар билан безатилган бундай астодонлар Қашқадарё, Зарафшон воҳалари ва Хоразмда топилган.

Кушон давридан бошлаб Сўғдда буддавийлик кенг тарқалган. Буддизмга хос ёдгорликлар Самарқанд, Тохаристон ва Хоразмда топилган.

Феодал муносабатлар ривож топиб мамлакатнинг сиёсий жихатдан заифлашуви окибатида у бир канча майда илк феодал давлатларга булиниб кетади. 5-6 асрларда ёк Ўрта Осиёning айрим вилоят ва воҳаларида йирик шахарларга таянган 15 дан ортик мустакил давлатлар ташкил топган эди. Бундай давлатларнинг энг йириклиаридан Суғдда ихшиidlар, Тохаристонда маликшоҳлар, Хоразмда хоразмшоҳлар, Чоч ва элоқда будун ва дехқонлар, Фарғонада ихшиidlар ҳукмронлик қиласди.

5-7 асрларда бу майда илк феодал давлатлар, аввал эфталийлар, сўнгра Турк хоқонлигига бўйсундирилган бўлса-да, аммо эфталийлар ҳам, турклар ҳам уларнинг ички ҳаётига аралашмайдилар. Марказий ҳокимиятга бож тўлаб туриш билан улар ўз мустакилликларини маълум даражада сақлаб қоладилар. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари ўз атроидаги мулкдор зодагон дехқонлар ва уларнинг ҳарбий чокарларига таянардилар. Чунки улар ўзаро бир-бирлари билан душманлик кайфиятида бўлиб, шу боисдан бири иккинчисидан чўчиған ҳолда яшар эдилар.

Улар орасида енг йириги Суғднинг илк феодал давлатлари конфедерацияси эди. Бу иттифоқقا Зарафшон ва Қашқадарё водийларида жойлашган Самарқанд, Маймурғ, Иштихон, Кушония, Вардана, Бухоро, Кеш ва Нахшоб мулклари бирлашган эди. Бу мулкларнинг ҳар бири ўз хокимига ва ҳарбий чокарларига эга эди. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд ихшидига тобе бўлса-да, аммо Бухоро, Кеш ва Нахшоблар деярли мустақил эди. Ҳатто улар ўз танга пулларини зарб қиладилар. Самарқанд ихшиди саройида аждодлар руҳига атаб қурбонлик қилиш учун маҳсус ибодатхона бино қилинган. Унда ўтказиладиган хар йилги диний маросимларда вилоят ҳукмдорларининг барчаси қатнашарди. Ёзма ва археологик манбалардан маълум бўлишича, Суғд ҳукмдорлари Ўрта Осиё ва чет эл давлатлари билан элчилик алоқалари олиб борардилар. Масалан, Афросиёбда очилган деворий расмларда Суғд ҳокими Вархуманинг Чағониён, Чоч ва Хитойдан келган элчиларни қабул қилиш маросими тасвирланади.

Суғдда аҳоли жуда гавжум яшарди. Суғдийлар ҳунармандчилик, савдо-сотик, дехқончилик ва боғдорчилик, айниқса узумчиликка ниҳоятда омилкор эдилар. Дарғом, Наҳрипой, Харкон каби йирик анҳорлардан сугорилган Суғд ерлари жуда ҳосилдор эди. Суғорма дехқончилик ривож топган бу диёрда ғалладан ташқари, пахта ва шоли экиларди. Уларнинг пахтасидан тўкилган сурп ва бўз матоларидан фақат суғдийларгина эмас, балки бутун дашт аҳолиси кийинарди. Суғднинг шарбатли узумларидан мусаллас тайёрланарди, Самарқанднинг зарғалдоқ шафтолиси Хитой пойтахтида «Самарқанднинг олтин шафтолиси» номи билан донғи кетган эди. Чорвачиликда майда ва йирик шохли ҳайвонлар билан бир қаторда от, хачир,ешак ва туялар боқиларди. Айниқса Суғднинг ҳисори қўйлари ва тулпорлари жуда машхур эди. Бухоро, Кеш ва Маймурғ яйловларидан уюр-уюр йилқилар муттасил Хитойга ҳайдаб бориларди.

Суғд шаҳарлари бу даврда ҳунармандчиликнинг марказига айланади. уларда тукимачилик, кулолчилик, кунчилик, чилангарлик, темирчилик ва заргарлик ривож топади. Темирдан хужалик асбоблари ва уй-рузгор

буюмларидан ташкари, курол-яроллар: шамшир ханжар, табар, гурзи, совут, калкон ва дубулгалар ясаларди. Хатто 718 йилда сўғдийлар ҳадя тариқасида юборилган дубулғадан нусха олиб, Хитой қуролсизлари ўз қўшинларини дубулғалар билан таъминлайдилар. Сўғд тоғларидан олтин, жез, новшадил ва ялама тузлар ковлаб олинарди. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг тараккиёти уз навбатида ички ва ташкил савдо алокаларининг кенгайишига имон беради. Сўғдан Марказий Осиё ва Хитойга кимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган зеб-зийнатлардан тортиб, турли-туман матолар ва дориворларгача олиб чикиларди. Уша замонда Сўғдда бола беш ёшга тўлгач, уни савдо карвонларига кушиб тижорат сафарларига юборардилар.

### **Марказий Осиёга Араб халифалиги босқини**

Араб халифалигининг талончилик сиёсати ерли халқнинг барча ҳақ-хуқуқларидан маҳрум этилиши, маданиятнинг оёқ ости қилиниши, зулм, араб тили ва ёзуви, халифалик қонун қоидаларининг зўрлик билан жорий этилиши натижасида маҳаллий халқ орасида норозилик тобора кучайиб, қўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлади.

Халифа Умар ибн Абдулазиз (717-719) Эрон, Хурросон ва Мовароуннаҳрдаги мураккаб сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, бўйсундирилган халқлар билан муросасозлик сиёсатини амалга оширишга мажбур бўлади. У янги ерларни бундан буён забт қилишни тўхтатиш ҳамда молиявий ислоҳотлар ўтказиш тўғрисида фармон беради. Бунга биноан, мусулмон араблар билан бир қаторда исломни янги қабул қилган ажамликлардан ҳирож ва жизъя солиқларини олиш бекор қилинади. Аммо Хурросон ноиблари фармонни халифаликнинг молия сиёсатига зид деган баҳона билан уни бажаришдан бош тортдилар. Улар ҳатто аҳоли ҳали юзаки мусулмон, жизъядан озод қилиш учун хатнага эътибор қилиш учун хатнага эътибор бериш лозим деган беандишлиkkача бордилар. Бироқ Мовароуннаҳр зодагонларининг кўпчилиги ўзини ҳақиқий мусулмон деб хисоблаб, солик тўламай қўяди.

Сўнгра халифалик маъмурлари бир йўла ҳаммадан жизъя олиш ҳақида

буйруқ беради. Натижада Моварауннаҳрда ёппасига исломдан чиқиш ва эски динларга қайтиш бошланди. Бунинг оқибатида маҳаллий зодагонлар билан халифалик вакиллари ўртасида зиддият кескинлашиб, бутун мамалакат бўйлаб арабларга қарши халқ қўзғолонлари кўтарилди. Биринчи бўлиб, 720 йилда Сўғд аҳолиси қўзғалди. Қўзғолонга Самарқанд ишхиди Гурак ва Панжикент хокими Диваштич бошчилик қилдилар. Сўғдликларга ёрдам бериш учун Еттисувдан туркаш ҳоқони шаҳзода Курсул бошлиқ турк лашкарини Самарқандга юборди. Сўғдда бош қўтартмаган ҳоким, исён қўтарилимаган жой қолмайди. Қўзғолончиларнинг бирлашган кучлари арабларига қаттиқ зарба беради. Фақат айрим шаҳар ва қалъалар қуршовида қолган араб ҳарбий қисмларигина катта ўлпон ва эътиборли вакилларини қўзғолончилар ихтиёрига бериш эвазига омон қоладилар.

Табарийнинг ёзишича, қўзғолонни бостириш учун Хуросон ноиби Саид ибн Абдулазиз Сўғдга қарши 3-марта юриш қиласиди. Ҳатто у Дарғом каналининг бош тўғони Варқсарни эгаллаб, Самарқанд ва унинг теварак атрофининг сувсиз қолдириш билан қўзғолончиларни таслим бўлишига мажбур этиш учун ҳаракат қиласиди. Бироқ бунинг уддасидан чиқа олмайди. Сўғдликлар тўғон бошини мардоновар ҳимоя қиласидилар. Қўзғолонни бостириш йўлидаги чора-тадбирлар натижа бермайди. 721 йили Саид Хароший Хуросонга ноиб этиб тайинланади. Унга Ироқда халқ қўзғолонини бостиришда шафқатсизлик қилган эди. Саид Харошийни қўзғолончилар билан олиб борган музокаралари натижасида Сўғд зодагонларининг бир қисми араблар томонига ўтади.

Кучлар бўлиниб Карзанг бошлиқ қўзғолончиларнинг бир қисми Фарғонага чекинишга мажбур бўладилар. Хўжандда бўлиб ўтган жангда қўзғолончилар енгилади. Сулҳ тузилгач омон қолган 400 савдогардан ташқари барча қўзғолончилар хиёнаткорона қириб ташланади.

Диваштич бошлиқ қўзғолончиларнинг иккинчи гурухи ҳам юқори Зарафшонда Обгар қалъасида қамалга олинади. Омон қолдириш шарти билан кўлга олинган Диваштич Арбинжонга олиб борилиб қатл этилади, Унинг

боши Ироқ хокимиға юборилиб, танаси оташпаратларнинг хилхонаси деворига қоқиб қўйилади. Хўжандда ҳам Диваштични фожеали мағлубиятларидан кейин Сайд Хароший Моварауннахр шаҳар ва қишлоқларида жазо чораларини кучайтирди. 723 йилда арабларга қарши Фарғона ҳокими аскар тортади. Унга шошликлар, наҳшабликлар, турклар ёрдам берадилар. Иттифоқчилар душманга қаттиқ зарба бериб, Хўжанддан то Самарқандга қадар таъқиб қилиб борадилар. Халифаликнинг солиқ сиёсатига қарши 725 йили Хутталонда, 728 йили Сўғдда қўзғолон авжига чиқади.

Араблар томонидан Хуросон ва Моварауннахр забт этилгач, Муқанна исёнидан олдин бир қанча қўзғолон исёнлар бўлиб ўтди.

Юқорида қайд этганимиздек, араблар мусулмон бўлганлардан жузъя олмасликка қарор қилган эдилар ва шариат қонуни ҳам шуни тақозо этарди. Аммо исломни қабул қилувчилар тобора қўпайиб бориб, халифалик хазинасига жузъядан келадиган даромад камайиб борди. Араблар ҳам диний қоидаларни бузиб, ерли аҳолидан жизъя олишни бошлаб юбордилар.

Бу воқеа Хуросонда Асад бинни Абдулло амирлик қилаётган, Бухоро ва Самарқандда унинг Хоний исмли вакили ҳирож ҳамда солиқ тўловчилик вазифасини бажараётган ҳижрий 110 (милодий 729) йилда рўй берди. Хоний Бухоро ва Самарқандда исломни қабул қилганлардангина жузъя ундириш билан чекланмай, бошқа олиқ-солиқларни ҳам йиғишда маҳаллий аҳолига зуғум ўтказди. Шу сабабли халқ бош кўтарди. Мусулмонлашган аҳоли исломдан юз ўғирди, Бухоро, Самарқанд, ва Фарғонада арабларга қарши жанглар бошланди. Қўзғончилар ғалаба қилиб арабларни Пойкандгача суриб бордилар. Аммо бу ерда арабларни қўллаш учун янги кучлар қилиб, исёнчилар мағлубиятга учрадилар.

Ҳижрий 119 (милодий 737) йили Хутталон (Қўлоб, Балжуон, Вахш) аҳолиси исён кўтариб ҳирож тўпловчи кишиларни ўлдирдилар. Ўша вақтдаги Хуросон амири Асад бинни Абдулло халқни жазоломоқчи бўлиб катта лашкар билан Хутталонга борди-ю, аммо жангларда энгилади.

Шундай қилиб, 8 асрнинг биринчи ярмида Моварауннахрда

халифаликка қарши қўтарилигдан халқ қўзғолонлари араб истилочиларига қарши курашнинг биринчи босқичи эди.

Қўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби, уларнинг олдига қўйган мақсад ва талаблари ҳам турлича эди.

### **IX-XII асрлар Ўзбекистон худудида сулолалар бошқаруви**

Сиёсий воқеалар шарҳи. 7-8 аср бошлари ривожланган ўрта асрлар бўлиб, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида турли сулолаларнинг бошқарув усуслари ва маъмурий тизимиға хос қонуниятлар ҳамда хусусиятлар ривож топган. Араб халифалиги худудида маҳаллий халқнинг ҳукмрон маъмурлар зулмиға қарши қўзғолонлари авж олгач, халифалик ўзларига содик маҳаллий зодагонларни тобеъ эрларни бошқаришга жалб қила бошладилар. Шу муносабат билан Хурросондаги тоҳирийлар хонадони кучаяди. Сижистон (Сейистон) ҳокими Абдумуҳаммад Талха ибн Абдуллоҳ қўлида Ҳусайн ва Тоҳир деган фарзандлари Ҳирот вилоятидаги Бушанж шаҳрини бошқаришган.

Маълумки, Хорун ар-Рашид (786-809) вафотидан кейин унинг ўрнига катта ўғли Амин халифа бўлди. Хурросон ноibi бўлиб турган унинг кичик ўғли Абдулла (кейин Маъмун лақабини олган) ҳокимият учун курашда Тоҳир ёрдамидан фойдаланади. Тоҳир қўмондонлигига қўшинлар Амин лашкарини тор-мор келтиради. 813 йили Маъмун Бағдодни эгаллагач, Тоҳирни сипаҳсолор этиб иайинлайди. 821 йилда эса Тоҳир Хурросон вилоятига ноиб бўлади. 822 йили Тоҳир ўлдирилгач, унинг ўғли Талха (822-828) ҳоким бўлди. Ундан кейин Тоҳирнинг иккинчи ўғли Абдуллоҳ (824-844) тахтга ўтиреди. 833 йили Маъмун вафот этгач, Абдулла ўзини халифалиқдан мустақил деб эълон қилди. Давлат пойтахти Марв (кейин Нишопур) бўлди. Тоҳирийлар давлатига Табаристон, Журжон, Рай, Кирмон, Хурросон, Сейистон, Мовароуннахрнинг жанубий қисми кирган.

Муҳаммад ибн Тоҳир (862-873) даврида ўғиз турклари хужумига қарши Фарова (ҳозирги Қизилрават яқинида) ва Деҳистон (Машҳади мисриён) кўрғонлари қурилиб, Тоҳирийлар давлати худудлари мустаҳкамланди.

Халифа Маъмунга хизматлари эвазига мулкка эга бўлган Сомонхудотнинг набиралари Нуҳ (Самарқанд), Аҳмад (Фарғона), Яҳё (Чоч ва Истаравшан), Илёс (Ҳирот)лар номига бўлса ҳам, тоҳирийларга қарам эдилар.

9 -аср ўрталарида аҳолининг қуи табақасидан бўлган саффорийлар мавқеи кучаяди. Яъқуб ибн Лайс ва унинг Амр, Тоҳир ва Али деган инилари 861 йилда Кирмон ва Форсни қўлга киритадилар. 871 йилда халифа мўтамид (870-892) Яъқубни Балх ва Тоҳаристон ҳокими этиб тайинлаш ҳақида ёрлик жўнатади. 873 йилда Яъқуб тоҳирийлар ҳукмдори Муҳаммад ибн Тоҳирнинг қўшинларини тор-мор келтириб, тоҳирийлар давлатига барҳам берди. Тоҳирийлар сулоласи:

- Тоҳир ибн Ҳусайн (821-822);
- Талҳа ибн Тоҳир (822-828);
- Абдуллоҳ ибн Тоҳир (830-844);
- Тоҳир ибн Абдуллоҳ (844-862);
- Муҳаммад ибн Тоҳир (862-873).

Тоҳирийлар аббосийларга расман тобе бўлганлар. Амалда эса Хурисон ва Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига олган мазкур давлат мустақил эди. Тоҳир ибн Ҳусайннинг ал-Маъмун олдида мавқеи устунлиги боисидан тоҳирийларнинг алоҳида давлат сифатида мавжуд бўлишига кенг имкониятлар очилган эди.

Тоҳир ибн Ҳусайн Хурисонга ноиб бўлгунга қадар ал-Жазира ноиби, Бағдод сипаҳсолори ва Ироқдаги солиқ мажбуриятларини йиғиш бошқарувчиси сифатида давлат бошқарувининг тажрибаларини эгаллаган эди. Албатта юқоридаги лавозимлар ва мансаблар ал-Маъмун томонидан топширилганлигига шак-шубҳа ёъқ.

Хурисон ноиби бўлган Тоҳир ибн Ҳусайн Нишопурни ўз қароргоҳига айлантириди. Унинг асосий мақсади давлатни мустақил қилиш эди. Халифаликда сиёсий тизимнинг қонун-қоидаларига кўра Хурисон ноиби жомеъ масжидида жума кунлари ўқиладиган хутбада Бағдод халифаси

номини тилга олиши шарт бўлган. Қудратли ноиб эса ўз лавозимиға ўтишига ҳали бир йил тўлмасдан халифа номини хутбадан олиб ташлайди. Шундан сўнг, Тоҳир ибн Ҳусайн ўлимининг тез фурсатда рўй бериши халифа айфоқчилари томонидан амалга оширилган, дея шубҳа қилинади. Бу воқеа Бағдод халифасининг ўз ноиблари устидан сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкам тутишга интилишдан далолат берарди.

Ўша пайтда Хуросон ноиблигига қўйидаги вилоятлар кирган эди: Мовароуннаҳр, Хоразм, Сейистон, Қўҳистон, Кермон, Кумис, Табаристон ва Журжон. Ҳар бир вилоят ўз навбатида бир неча маъмурий бирликларга бўлинган. Улар ҳажмига кўра кичик ва катта туманлардан иборат эди.

Мовароуннаҳрда Бухоро, Хоразм сингари вилоятлар ва майда маъмурий бирликлар бўлган. Мовароуннаҳрда жами 300 000 қишлоқ қайд қилиниб, улар 30 дан ошиқ маъмурий бирликларни ташкил этган.

Ҳар бир маъмурий бирликда қози, почта хизмати бошлиғи, хирож ийғувчиси ва муъавун бошлиғи бўлган. Улар ўз навбатида йирик маъмурий бирликларнинг амалдорларига бўйсунганлар. Баъзан амал соҳибларининг сонига қараб маъмурий бирликлар катта ё кичик майдонга эгалигини билса бўлади.

Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ўз ҳарбий қўшинлари учун маҳсус равишда қўнимгоҳ (казарма) иншоот эттирган. Айнан мана шу маҳсус ҳарбий қисмлардан у зарур пайтда тез фойдалана олар эди.

Тоҳирийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда турли ижтимоий тоифа ва қатламлар мавжуд эди. Улар жамиятда ўз мавқеи ва ўринларига эга бўлган ҳолда, мулк, мартаба ва мансабларига кўра бир-бирларидан фарқ қилганлар. Ижтимоий тузумда халифага яқин ноиблар, пайғамбар авлодлари-араб зодагонлари билан яқин муносабатда бўлган маҳаллий мулк соҳиблари ташкил қилганлар. Раият орасида кашоварз, киштукоркунанда, чоракор, барзигар сингари ижтимоий қатламлар учрайди. Йирик ва майда ер эгалари дехқон атамаси билан аталган. Халифалик даврида иқтаъдорлар хизмати

эвазига ер-мулк соҳиби бўлган ҳарбий шахслар ва амалдорлар ҳам тилга олинади. Қишлоқ жамоасининг аъзолари-майда эр эгалари хирож ва жизя тўловчиларнинг асосий қисмини ташкил қилганлар. Ижарага ишловчилар аккорлар ҳисобланган. Ижарага бериладиган ерлар-музорба дейилган.

Абул-Аббос Абдуллоҳ даврида зодагонлардан бўлган ва ўз ватанини ташлаб Маккага зиёратга бораётган камбағал кишиларга алоҳида ғамхўрлик қилишган. Бундай шахслар ғурбӯ ёки ибн сабил номида юритилган. Маҳаллий халқдан бўлган қадимий аҳоли қатлами даъифлар ҳам асли зодагонлардан саналиб, бу пайтда камбағаллашиб қолган эди. Бундан ташқари улар «аҳл-и буютот» номида ҳам айтилган.

Халифанинг буйруқ ва фармонларини бажарувчилар, унга тобе ҳукмдорлар соҳиб ҳарос деган номда айтилган.

Абдуллоҳ отаси маслаҳати билан раиятга нисбатан анча мўтадил сиёсат юритган, чунки бу уларнинг бош қўтариши ва исёнига тўсиқ бўларди.

Тоҳирийларнинг исломлаштириш сиёсатида мустаҳкам турганликлари манбаларда қайд қилинган. Улар ислом пешволарига таянган ҳолда давлатда ҳуқуқий муносабатларни ривожлантирганлар.

Ўз мамлакатида тартиб сақланишини истаган Абдуллоҳ ҳар қандай исён ёхуд қўзғолоннинг олдини олишнинг энг муҳим усули солиқ йиқувчиларнинг сиистеъмолларига ёъл қўймаслиқдадир, деб тушунтириди. Хирож ва бошқа солиқларнинг миқдорини камайтирмаған бўлса-да, солиқ йигишда турли жиноий ишга қўл урганларни жазолади. Амал ва мансаб эгаларининг сиистеъмолликларини олдини олиш ва давлат хазинасига зиён этказмаслик мақсадида у ўз қўл остидаги содик кишилар орасидан махфий айғоқчиларни танлаб, уларни хизматидан фойдаланди. Бундай махфий шахслар жойларда ҳукмдорларнинг юриш-туриши, ҳар бир мансабдорнинг Абдуллоҳ олдидаги мажбуриятини қай даражада бажариши хусусида ноибга этказиб туришган. Ҳоҳ у шахс вилоят ҳокими бўлсин ёки йирик дехқон бўлсин, Абдуллоҳнинг назорати остида эди.

Манбаларда эр-мулк муносабатларида сув ва суғориш иншоотларидан

фойдаланиш хусусидаги қонунлар ишлаб чиқилганлиги ва мазкур ҳуқуқий қоидаларнинг шариатга асосланиши ҳақида ёзилган. Қози майда мулк эгаси эрида уй қурган йирик заминдор ўртасидаги низо-жанжални ёки сув иншоотларидан фойдаланишдаги мунозарали масалаларни шариат қоидалари асосида ҳал қилган.

Абдуллоҳнинг буйруғига асосан қонуншунослар сувдан фойдаланиш, сунъий суғоришдаги турли мунозараларни эчиш, суғориш тизими хусусида «Китоб ал куний» номли қонунлар тўпламини туздилар.

8-асрнинг охири 9-аср бошларида Араб халифалиги оғир сиёсий тангликка учради. Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг тез-тез қўзғолон кўтариб туриши, мамлакат ичидаги узлуксиз давом этгкан феодал урушлар Араб халифалиги ҳокимиятини заифлаштириб қўяди ва мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай давлатлар даставвал Мовароуннаҳрнинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида ҳали халифаликка бўйсундирилмаган ўлкаларда ташкил топади. Улардан бири Қорлуқлар ва иккинчиси Ўғузлар давлатидир. Маҳаллий зодагонларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонни аста-секин ўз тасаррufига олибгина қолмадилар, балки халифалик марказида ҳам ҳокимиятни бошқаришда тобора кўпроқ роль ўйнайдиган бўлиб қолдилар.

Бунга айниқса халифа Хорун ар-Рашид (786-809) вафотидан сўнг таҳт учун унинг ўғиллари Маъмун ва Амин ўртасида 809-813 йилларда бўлиб ўтган кураш йўл очиб берди. Ҳирот вилоятининг зодагонларидан Тоҳир ибн Ҳусайн бошлиқ Хуросон Мовароуннаҳр мулқдорлари ёрдамида Маъмун халифалик таҳтига ўтказилди. Бунинг эвазига Тоҳир ибн Ҳусайн Месопатамия ноibi, Бағдодда халифаликка аскарбоши ва Ироқда ҳашар ишлари бўйича бош мироб лавозимига мұяссар бўлади. Сомонхудотнинг набираларининг эса айрим шаҳар ва вилоятларга ноиб қилиб тайинлайди. Нухга Самарқанд, Аҳмадга Фарғона, Яҳёга Шош ва Уструшона, Илёсга эса Ҳирот тегади. Бунинг эвазига ака-ука сомонийлар Мовароуннаҳрнинг ҳар йилги хирожидан жуда катта маблағни тоҳирийлар орқали халифа

хазинасига юбориб турадилар. 9 аср араб географи Хурдодбекнинг ёзишича, ҳар йили халифа хазинасига Шошдан 607 минг, Сўғдан 326 минг, Фарғонадан 280 минг, Уструшонадан эса 50 минг кумуш дирҳам тушган. Тоҳирийлар билан Мовароуннаҳрнинг бир неча йирик шаҳарларидағи Сомонхудот набираларининг маҳаллий ноиблиги тоҳирийлар томонидаг тан олинади. Сомонийлар эса, ўз навбатида, тоҳирийларга тобе сифатида Мовароуннаҳрни идора этадилар. 9 асрнинг 60-йилларида Хуросонда ғозийлар фаоллигига халқ қўзғолони авж олиб кетади. Хуросонда тоҳирийлар хукмронлиги тугатилиб, саффорийлар давлати ташкил топади. Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош ва Уструшона вилоятларида ноиблик қилаётган сомонийлар хонадонининг сиёсий ҳаётида ҳам аста-секин ўзгаришлар юз беради. Улар ҳатто ўз номларидан мис тангалар зарб этадилар. Аҳмад вафотидан (865) кейин унинг ўғли Наср Самарқандни марказга айлантиради. У Бухоро воҳаси, Нахшаб (Қашқадарё), Чагонруд (Сурхондарё) водийларидан ташқари Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларини бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўради. Жаҳар зодагонлари (Бухоро) сомонийларга мурожаат қилиб, Самарқандга Наср ибн Аҳмад ҳузурига юборадилар. Ундан Бухорони ўз қўл остига олишни ва сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога ҳоким қилиб юборишини сўрайдилар. Наср укаси Исмоилни (874) Бухорога ноиб қилиб юборади. Шундай қилиб, 9 асрнинг охириги чорагида Мовароуннаҳрнинг деярли барча вилоятлари сомонийлар тасарруфига ўтиб, у ўз мустақиллигини тиклаб олади. Худди шу вақтдан бошлаб Наср ибн аҳмад ўзининг бутун Мовароуннаҳрнинг бошлиғи деб ҳисоблай бошлайди. Гарчи укалари Шош вилоятининг ноиби Ёқуб ва Фарғона ҳокими Асадлар ўз номлари билан чақа пул зарб этиб, ўзбошимчалик қилсалар ҳам, аммо у сомонийлар хукмронлиги тарихида биринчи бўлиб кумуш дирҳам зарб этади. Кумуш тангалар чиқариш давлат мустақиллигининг рамзи ҳисобланиб, то шу вақтгача халифалик вилоятларида фақат тоҳирийларгина бундай дирҳамни зарб этиш ҳуқуқига эга эдилар. Шундай бўлсада, Бухоро ноиби Исмоил

акаси Насрга итоат қилишни истамайди. Унга берилган вилоятни мумкин қадар иқтисодий жиҳатдан мустақил идора қилишга интилади. Насрнинг хазинасига юбориладиган ҳар йилги солиқларни турли баҳоналар билан тўхтатиб қўяди. Ака-ука ўртасида адоват пайдо бўлиб, у 888 йилда жангта олиб келади. Жангда Наср қўшинлари тор-мор этилади. Шу йилдан бошлаб, И smoил бутун Мовароуннаҳри бирлаштириб, унинг ҳукмдори бўлиб олади. И smoил Сомоний 893 йилда Тароз шаҳрини фатх этиб, даштликларга қақшатқич зарба беради. Бу сомонийлар даврида кўчманчиларга қарши қилинган охирги катта юриш эди. Сомонийлар давлатининг тобора кучайиб бориши шарқий вилоятлардан муттасил ундирилиб олинадиган катта бойликлардан маҳрум бўлган Араб халифалигини, бир томондан, нихоятда ранжитса, иккинчи томондан, чўчитар ҳам эди. Шу боисдан халифалик саффорийлар билан сомонийларни тўқнаштиришга ва бу ёш ҳамда бой икки давлатнинг ҳар иккисини ҳам заифлаштириб, маълум даражада ўз тъсирини қайта тиклашга ҳаракат қиласи. Натижада 900 йилда улар ўртасида бошланиб кетган уруш И smoилнинг ғалабаси билан тугайди. Шундай қилиб, 9 - аср охирларида Мовароуннаҳр Араб халифалиги истибододидан абадий ҳалос бўлади, Хурросонда ташкил топган саффорийлар давлатига барҳам беради ва уни ўз давлатига қўшиб олади. Натижада пойтахти Бухоро шаҳри бўлган замонасининг энг йирик мустақил феодал давлати ташкил топади. Лекин X аср бошларида ва ўрталарида тартибсизлик, аҳолиси турли табақаларнинг ҳокимиятга қарши қўзғалиши сиёсий вазиятни оғирлаштиради. Сиёсий вазият айниқса, Нуҳ ибн Наср (943-954) ва унинг набираси Нуҳ ибн Мансур (976-997) ҳукмронлик қилган даврда нихоятда кескин тус олади. 947 йилда Нуҳ ибн Насрнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад исён кўтаради. У сарой гвардияси ва Чоғониённинг йирик феодалларидан Абу Али Чоғоний ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаб олиб, жуда қисқа муддат бўлсада, ҳукмронлик қиласи. Кўп вақт ўтмай Абу Али Чоғоний бosh кўтаради. Нуҳ ибн Наср қўзғолонни куч билан бостира олмайди. 952 йилда Абу Али Чоғонийни у аввал Чоғониёнга, сўнгра эса Хурросонга ҳоким қилиб

тайинлашга мажбур бўлади. 961 йилда Бухоро ҳарбий лашкарларининг ғалаёни кўтарилади. X аср охирига келиб сомонийлар ўртасида авж олиб кетган ўзаро курашлар натижасида сомонийлар давлати ниҳоятда заифлашиб қолади. Бу даврда у Еттисув вилоятида ташкил топган Қорахонийлар давлатининг Мовароуннаҳрга томон юришларига қарши туралар олмайди ва унинг шиддатли ҳамлаларига бардош бера олмай қулайди.

Мовароуннаҳр замини ўрта аср мусулмон шарқида маърифат ва маданият маскани сифатида донг таратган ўлка ҳисобланган. Юртимиздан етишиб чиққан ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Фаробий, ибн Сино, Беруний, Замахшарий ва бошқа буюк аллома, қомусий олимларнинг илмий мероси ҳақли равишда умумбашарий мулкка айланган. Собиқ совет даврида ушбу олимларнинг илмий меросига бир томонлама муносабат шаклланган бўлса, мустақиллик йилларига келиб ушбу буюк зотлар фаолияти ва илмий мероси ҳар томонлама чукур ўрганилиши бошланди. Ўлкамиз шунингдек, ислом дини тараққиётiga улкан ҳисса қўшган муҳаддис, диншунос олимлар, тасаввуф илми намоёндалари юрти ҳам ҳисобланади. Совет мустабид даврида номи унут даражасига келиб қолган И мом ал-Бухорий, И мом ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, И мом ал-Мотурудий, Абдулҳолик Гиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Қаффол Шоший, Хожа Ахрор ва бошқа диний арбобларнинг табаррук номларини тиклаш, уларнинг асарларини кенг жамоатчиликка, халқимизга таништиришда айнан шарқшунос-тарихчи олимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Зеро аждодларимиз муқаддас дини бўлмиш исломнинг том маънодаги эзгулик ҳамда камолотга эришиш йўлидаги буюк маънавий қурдатини намоён этишда юқорида номи зикр этилган олимлар катта жонбозлик кўрсатишиди.

### **Назорат саволлари:**

1. Конфедерация нима?
2. Қайси Суғд шаҳарлари бу даврда хунармандчиликнинг марказига айланади?

3. Сўғд зодагонларининг бир қисми нима сабабдан араблар томонига ўтади?
4. Сўғдиёна ҳунармандчилиги тарихини ўрганишга доир қандай ёндашувлар мавжуд?
5. IX-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида қандай сулолалар бошқаруви бўлган?
6. IX-XII асрлардаги сулолалар бошқарувига доир қандай ёндашувлар мавжуд?

**З-мавзу: Ўзбекистон тарихининг совет даври тарихига ёндашув.**

Режа:

1. Совет даври тарихига замонавий ёндашув
2. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошув ва таҳлиллар

**Таянч сўзлар:** маданий-маънавий тадбирлар, тарғибот акциялари, концерт дастурлари, тасвирий санъат кўргазмалари, ижодий кечалар, танловлар, оммавий спорт мусобақалари, «уч авлод вакиллари учрашувлари», Россия улуғ салтанатчилиги, 1979 йилдаги “Рим клуби”.

**Совет даври тарихига замонавий ёндашув**

Тарихчи бошқа айрим фан мутахассисларидан фарқли ўлароқ, илмий иш устида синовлар ўтказишга, тадқиқот обьектини бевосита кузатишга, хусусан ўзи ўрганаётган ўтмишни, воқеа-ходисаларни том маънода қайтаришга имконияти йўқ. Чунки содир бўлган тарихий воқеалар ҳеч қачон яна ўша тарзда, айнан ўша жойда қайтарилемайди. Демак, тарихчи ўз тадқиқоти учун содир бўлган воқеа-ходисаларни тиклаш, тажриба, синов йўли билан яна қайтариш имкониятига эга эмас. Илмий тадқиқот учун изланувчи материални тарихий манбалардан, ҳужжатлардан, ёдгорликлардан олади. Тарихчи учун материаллар, хусусан ўтмиш материаллари ҳар куни келтирилади ва бу тарихий билимни кундан-кунга кўпайиб боришидан далолат беради. Тадқиқотлар муаммоси доимо кенгайиб, мураккаблашиб

бораверади. Илмий изланишлар орқали янги манбалар, далиллар юзага чиқиб, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш такомиллашиб бормоқда. Бу эса тарих бўйича илмий тадқиқот қиласиганлардан замон руҳи билан қадам-бақадам юришни, воқеа-ҳодисаларни, ижтимоий-сиёсий жараёнларни доимо кузатиб, таққослаб, тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиб боришни тақозо этади. Зоро, ҳеч бир илмий изланувчи тарихдаги барча йўналишлар бўйича тадқиқотга қўл ура олмагани ҳолда, айни пайтда илмий тадқиқотчи ўзигача бўлган илмий изланишлар ва бугунги кундаги олиб борилаётган тадқиқотлар тўғрисида маълум бир тушунчаларга эга бўлиши зарур. Бу эса тарихчини замонавий илмий тадқиқотлар ҳолатидан боҳабар қилиш билан бирга, ўзи олиб бораётган тадқиқотларида янги илмий хулосалар чиқаришга ундейди. Тарихчи-тадқиқотчи томонидан воқеа-ҳодисаларга, ўтмишга берилган баҳо, бу амалда ўзига хос тарихий жараёнлар бўйича чиқарилган ҳукм ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарихий воқеа-ҳодисалар устидан “Ўқилаётган ҳукм”, яъни манбаларнинг тарихий талқини холисона ёндашишни талаб этади. Бу билан тарихчи маълум даражада тарихий жараёнлар бўйича “ҳакам” вазифасини ҳам ўтайди. Тарихий далилларни умумлаштириш, таҳлил қилиш асосида воқеа-ҳодисаларга нисбатан бериладиган тарихий хулосада тадқиқотчи зиммасига катта масъулият юкланади. Тадқиқотлардаadolатли хулосага келиш тарихчининг тарихий манбаларни қай даражада ўрганганига, назарий билимларига бевосита боғлиқ бўлади. Тарихий ютуғимизнинг маънавий негизини мустаҳкамлаш ўзбек халқи танлаб олган ўзига хос йўлни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли омилларидан бири эканлиги шак-шубҳасиз. Бу муҳим тарихий вазифани-мустақилликнинг маънавий асосларини қарор топтириш ва янада мустаҳкамлашда сиз ёшларни маънавий камолотга етказиш, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, ҳозирги замон илмий билимлари билан куроллантириш фавқулодда катта аҳамият касб этади.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қатори 1941 -1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб,

фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса кўшди.

Эл-юртимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби, ғуур-ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шунинг учун ҳар йили 9 май- Ғалаба байрами мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирилиб, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш юртимизда олижаноб анъанага айланиб қолди.

Ана шундай эзгу ишларни изчил давом эттириш, 2020 йили дунё миқёсида кенг нишонланадиган буюк сана -Ғалабанинг 75 йиллик байрамига пухта тайёргарлик кўриш ва уни юксак даражада ўтказиш, Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида, уруш ортидаги қаҳрамонлиги ва фидокорона меҳнатини, тарихий хизматларини мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш ва абадийлаштириш, ёш авлодимизни отабоболаримиз жасоратига муносиб бўлган, бугунги тинч, осойишта ҳаётни асрраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлашга қодир, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий чоратадбирлар дастури (кейинги ўринларда - Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурга биноан:

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, меҳнат фронти фахрийларини, шунингдек, мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси ва хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларини ҳар томонлама ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда уларни моддий ва маънавий

рағбатлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

«Аждодларимиз жасорати - мангу барҳаёт» деган ғоя асосида мамлакатимиздаги барча вилоят, туман ва шаҳарларда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг қаҳрамонликлари, ўзбек халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати ва ғалабага қўшган беқиёс ҳиссаси, фронт худудларидан республикамизга кўчириб келтирилган юз минглаб инсонларга нисбатан кўрсатган юксак инсонпарварлик фазилатларини ҳар томонлама чуқур акс эттирадиган маданий-маънавий тадбирлар, тарғибот акциялари, концерт дастурлари, тасвирий санъат кўргазмалари, ижодий кечалар, танловлар, оммавий спорт мусобақалари, «уч авлод вакиллари учрашувлари»ни, шунингдек, меҳнат жамоалари, маҳалла ва гузарларда, туарар-жой мавзеларида ободончилик ишларини ташкил этиш;

фашизмга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган юртдошлиаримиз ҳақида янги бадиий ва ҳужжатли асарлар, кино ва спектакллар, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратиш;

фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бўлиб ўтадиган халқаро анжуманлар, ҳарбий-спорт ўйинлари ва аскар қўшиқлари халқаро фестивалларида иштирок этиш бўйича тайёргарлик ишларини юксак савияда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Концепцияни амалга оширишда:**

Ғалаба боғи моҳият эътибори билан халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонати, юксак инсоний фазилатларини, қаҳрамон аждодларимизнинг номлари, шонли анъана ва қадриятларини абадийлаштиришга, юртимизда инсон хотираси азиз ва муқаддас, қадри улуғ эканини таъкидлашга, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилганини эътиборга олиб, ушбу ғояни таъсирчан бадиий-монументал усуллар, инновацион ечимлар асосида ифода этишга алоҳида аҳамият берилган;

Фалаба боғининг умумий кўриниши, меъморий тузилиши миллий анъаналаримизга мос бўлиши ҳамда мемориал ёдгорликлар яратиш бўйича жаҳондаги илғор тажрибаларни ўзида мужассам этиши таъминланган; боғ марказида беш ўғли урушда мардларча ҳалок бўлган Зулфия Зокирова ва унинг садоқатли келинлари сиймосида ўзбек оиласининг умумлашган образини акс эттирадиган «Матонат мадҳияси» деб номланган ёдгорлик мажмуасини юксак ғоявий-бадиий савияда яратиш учун энг истеъодди ва маҳоратли ижодкорлар, меъмор ва мутахассислар жалб этилган;

Фалаба боғидаги ҳар бир обьект ва қурилма, музей экспонатлари орқали халқимиз, айниқса, ёшларни урушнинг даҳшатли оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка, бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мустақилликнинг қадрига етишга, доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, Ватан ҳимоясига тайёр туриш руҳида тарбиялашга устувор аҳамият берилган;

боғда аҳолининг тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмунли дам олиш, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

### **Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича**

#### **ёндошув ва таҳлиллар**

Ўзбекистон Президенти биринчи Ислом Каримов Ўзбекистон тарихининг баркамол инсонни шакллантиришдаги аҳамиятига юксак баҳо бериб: "Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди"<sup>1</sup>, - деган эди. Ўтмишни бугун яратиб бўлмайди, ўтмиш бугунни яратади. Тарихдаги ҳар бир ижтимоий юксалиш жамиятнинг ўз меросига, ўз ўтмишига бўлган муносабатини ислоҳ қилишдан бошланган. Ўтмишга бўлган ҳар қандай ижодий мурожаат эса ҳамиша инқилобий ўзгаришларга замин тайёрлаган, ўтмиш ақидалари бугун учун хизмат қилган. Бироқ, ўтмишга мурожаат

<sup>1</sup>Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: "Ўзбекистон", 1992. -Б.71.

қилишдан аввал, унга бўлган муносабатни ҳалол, тўғри йўлга солиш керак. Бусиз тарихни холисона яратиш мумкин эмас. Соат милларини орқага бурган билан Ватан тарихини тўхтатиб ёки қайтариб бўлармикан, сарҳади йўқ фалакда учиб юрган буюкларнинг руҳларини ўқ узган билан ўлдириб бўлармикан? "Муҳаббатсиз юракка Ватан сиғмайди. Ҳар бир гўдак, ҳар бир фуқаро ўз даври билан Ватанни ёд этади. Дардсиз юракка Ватан сиғмайди. Ватан дарди, Ватан муҳаббати билан яшаган юраккина инсониятни севади, инсоният учун куйинади", - дейди шоир Хуршид Даврон.

Улуғ мутафаккирлар ва донолар ҳамиша Ватанни улуғлаб, ардоқлаб келганлар. Ватан ва миллат хоинлари, сотқинларига қарши курашиб ўт очганлар. Рус ёзувчиси М. А. Шолохов: "Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган ватанни севмоқ бу муқаддас бурчдир" деса, бобокалон шоиримиз Алишер Навоий:

Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама, -  
дейди.

Ватандан ташқарида баҳт бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Ўзгалар юти, бегона диёр ҳеч қачон Ватан бўлолмайди. Ўзга юртда шоҳ бўлгандан ўз юрtingда гадо бўлган афзал, деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳақиқий ватанпарвар Ватаннинг оғир кунида ҳам, енгил кунида ҳам уни тарк этмайди, у билан бирга бўлади.

Барча жиноятлар орасида энг тубани, энг оғири — бу Ватанга, миллатга хиёнат ва сотқинликдир. "Ўз юртидан юз ўгирганлар ўз ватандошларидан ҳам юз ўгирадилар", - дейди Я. Галан.

Ватанга, элу - юртга, миллат ва халқقا хиёнат ва сотқинлик ҳаётда турлича кўринишларда ва шаклларда намоён бўлиши мумкин. У баъзан очик-ойдин Ватанни, юрт ва миллатни сотиш, хиёнат тарзида, баъзан эса яширинча, зимдан ва хуфия кўринишида содир этилиши ҳам эҳтимол. Ўзининг хатти-ҳаракати билан Ватанга, юртга ва миллат шаънига дод тушириш ҳам Ватанга, миллатга хиёнатдир. Ватан тақдири, миллат

тақдирига алоқадор масала ва муаммоларга эътиборсизлик лоқайдлик бундай масалалардан ўзини четга олишлик қўрқоқлик бетарафлик гўллик ва шу сингари хатти-ҳаракатлар ҳам Ватанга, ҳалқ ва миллатга хиёнат ва сотқинлик ҳисобланади. Бу хусусда ҳаётдан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, ўтиш босқичи давридаги ҳаётда маълум сабаблар оқибатида мавжуд бўлган вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар олдида эсанкираб, баъзи бир кимсаларнинг собиқ СССРни қайта тиклашни қўмсаганлари Ўзбекистонга нисбатан, миллий манфаатимизга нисбатан хиёнат ва сотқинликдир. Чунки бундай шахслар билиб-бilmай, онгли ёки онгсиз суратда ўз хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини барбод қилишга интилаётган кучлар тегирмонига сув қуядилар, миллий бирлигимизга раҳна соладилар. Ёки Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон тарихининг Россия улуғ салтанатчилиги тарафида туриб сохта бир тарзда ёзилиши, мактабларда жаҳон ҳалқлари тарихи, СССР тарихи байроғи остида амалда Россия тарихининг ўқитилиши ҳамда Ватан тарихини умуман назар-писанд қилинмаганлиги ўз даврида ўзбек ҳалқининг миллий манфаатларига хиёнат эди.

Тарих фани бўйича илмий ишга киришган тадқиқотчилар учун тарихдаги муаммоларни ўрганиш, воқеа-ҳодисалар ва тарихий хронологияяга муносабат, тарихий атамалар, иборалар ва тушунчалар, тарихий шахслар исми шарифи, тарихий асарлар номи ва муаллифлари, тарихий сана ва далилларни келтиришда англашилмовчиликка, хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас. Бунинг учун “тарих нонини ейиш”га аҳд қилган тадқиқотчи ҳар томонлама тайёргарлик кўрган, хусусан тарихга оид билимларни эгаллаган, ўзининг мустаҳкам эслаш қобилиятига, тарихий воқеа-ҳодиса, жараёнларни, далилларни таққослаш, таҳлил қилиш ва мавжуд манбаларни ўрганиш ва талқин қилишда кенг қамровли мушоҳадага эга бўлган мутахассис бўлмоғи даркор. Тарих фанида мавжуд муаммолар эчимиға “саёз” қараш, манбаларга шунчаки “кўз югуртириш”, “арzon шов-шув”ларга интилиш билан жиддий ва асосли илмий тадқиқотни амалга ошириб бўлмайди.

Албатта, тарих фанида далиллар муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчи томонидан мавжуд тарихий далилларни ўрганиш, саралаш ва уларга баҳо бериш, талқин қилиш жараёни шунчаки оддий вазифалардан ҳисобланмайди. Тарихий далиллар турлича, яъни кичик, йирик, аҳамиятга молик, кенг миқёсдаги тарихий жараёнлар ёки алоҳида бир воқеани ёритувчи, хронологик жиҳатдан яқинда ёки узоқ ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани ўз ичига олиши мумкин. Юқорида қайд этилган йўналишлардаги тарихий далиллар қамровини яна давом эттириш мумкин. Аммо шу нарса аниқки, тарих фанидаги далиллар катта-кичиллиги, муҳим, катта ёки кичик аҳамиятга молик эканлиги билан турли тарзда талқин қилиниши мумкин бўлгани ҳолда, барибир чуқур ва синчковлик билан ўрганишни, қиёсий таҳлилни тақозо этади. Тарихий далилларга баҳо бериш, уларни ўрганиш услуби, тизимга солиш маълум даражада илмий тадқиқотчининг билим даражаси, тажрибаси ва машаққатли илмий меҳнатга сарфлайдиган вақтига ҳам боғлиқ бўлади. Илмий тадқиқотларда тарихий далиллардан ишончли ва унумли тарзда фойдаланиш кўникмаси аста-секин, талабаликнинг илк босқичларидан бошлаб, тарихий фанларни ўзлаштириб бориш жараёни натижасида вужудга келади.

Тарих фанида далиллар муҳим аҳамиятга молик эканлигини тасдиқлаган ҳолда қайд этиш мумкинки, тарихчи-тадқиқотчи учун далилларнинг ўзигина этарли эмас. Илмий тадқиқотчининг вазифаси шуки, мавжуд тарихий далилларни чуқур ўрганиши, солиштириши ва уларни илмий талқинлар орқали “жонлантириш”и керак. Тарих фанидаги тарихий далилларнинг ўзи - бу амалда ҳеч нарса эмас. Йиғилган тарихий далилларнинг ўзи ўрганилаётган мавзууни ёритишда, хусусан илмий тадқиқот учун маълум бир пойdevor вазифасини ўтайди. Тарих фанида далилларни ўрганиш илмий тадқиқотда дастлабки погона бўлиб, кейинги босқич мавжуд далилларни умумлаштириш ҳисобланади.

Тарихчи-тадқиқотчининг вазифасига далилларни қалаштириб ташлаш эмас, балки мавжуд тарихий далилларни назарий жиҳатдан мушоҳада қилиш,

умумлаштириш, саралаш, таҳлил қилиш ва улар орасидан энг муҳимларини ажратиб, илмий тадқиқот матнига киритиш ҳисобланади. Илмий тадқиқот орқали тарихий далилларни таъкидлаш билан бирга, воқеа-ҳодисаларнинг қонуний жараёнини, сабаб ва оқибатларини “тарих тарозиси”га солиб, уни холисона, илмий баён этиш керак бўлади.

Тарихий далиллар ва умумлаштириш ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу тарих бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борадиганлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, тарихий тадқиқотда нафақат далилларга, балки уларни умумлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилади. Зоро, илмий тадқиқот маълум даражада аввалдан режалаштирилган илмий хulosаларга олиб келмаслиги керак.

Тарихий тадқиқотга жазм қилган илмий изланувчилар доимо ўз устида ишлаши, тарихий мушоҳадасини ривожлантириб бориши, узлуксиз равища ўқиган ва уққанлари ҳамда йиққан манбалари, тарихий материаллари бўйича ўйлаб юриш одатини шакллантириши, илмий таққослай олиши, умумлаштира ва хulosса чиқара олиш, мавжуд материалларни шунчаки ўрганмасдан, чуқур таҳлил қилиш хусусиятини аста-секин шакллантириш каби хислатларни ўзида мужассамлаштириши керак.

Бироқ мустақиллигимизнинг дастлабки пайтларида бу муҳим таълим-тарбиявий вазифани кенг кўламда самарали ҳал қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитларимиз бир мунча чекланган эди. Нафақат Ўзбекистоннинг бой тарихини янгича идрок этиш, балки янги миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва уни фуқароларимиз, айниқса ёшларимиз онгида қарор топтириш ишига хизмат қилишга давъат этилган Ўзбекистон тарихимизнинг ўзи жиддий янгиланиши лозим эди. Мустақил Ўзбекистоннинг илмий-назарий жиҳатдан пухта асосланган янги тарихига талаб ортиб борди ва бу талаб пайсалга солинмай қондирилиши зарур эди. Яна бир етилган эҳтиёжнинг тез орада ҳал этилиши тақозо этилди тарих фанимиз янгиланиши ва ривожининг мустаҳкам таянчи сифатида унинг ягона концепцияси яратилиши керак эди. Бу долзарб муаммонинг ечилиши зарурлиги

И.А.Каримовнинг 1998 йилнинг июнида бир гурӯҳ тарихчи олимлар, ижодий ходимлар ва журналистлар билан бўлган сұхбатида уқтирилган эди.

Ислом Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли асари тадқиқотчилар учун ҳам, тарих фанида таълим бераётганлар учун ҳам муҳим дастуриламал ва методологик асос сифатида самарали хизмат қилмоқда.

Тарих таълими ҳақида, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишининг сифатини ошириш тўғрисида сўз кетганда бу соҳага ижобий таъсир кўрсатаётган яна бир омилни ҳам қайд этиб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти ҳузурида Яхё Үуломов номидаги "Ўзбек ҳалқи ва давлатчилиги тарихини ўрганиш" Республика илмий семинари фаолият кўрсатиб турибди. Махсус комиссия тайёрлаган ва маъқуллаган "Ўзбек ҳалқи давлатчилиги тарихи концепцияси" ўзбек ҳалқи давлатчилиги тарихини яратишга муносиб ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу муҳим ҳужжат ўзбек ҳалқи ва унинг миллий давлатчилигининг ҳаққоний тарихини яратиш, ҳалқимизда, айниқса ёш авлод онги тарихий хотира ва тафаккурни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Жамиятимиз маънавиятини юксалтиришга устувор йўналиш берилаётганлигининг асл боиси ҳам шундаки, ҳар томонлама тарбия кўрган, маърифатли, маънавияти юксак миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси гояларини ўз онгига қарор топтирган комил инсонларни вояга етказиб бориши кўп жиҳатдан маънавият соҳасидаги саъй-харакатлар тизимида ёшларга, талабаларга тарих таълимини бериш, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш, бу фандан таълим бериш сифатини давр талаблари даражасига қўтариш алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан мустақиллик йилларида бу борада қатор муҳим тадбирлар амалга оширилдики, улар ўзининг ижобий самарасини бера бошлиди.

### **Назорат саволлари:**

1. Совет даврининг 20-30 йиллар тарихига замонавий ёндашувни изоҳланг.
2. Иккинчи жаҳон уруши масаласига ҳозирги замонавий қарашлар қандай?
3. XX асрнинг 50-80-йиллари тарихий жараёнларига муносабат билдиринг.

4. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошув ва таҳлилларни қандай изоҳлайсиз?

#### **4-мавзу: Ўзбекистон тарихининг бугунги тарихшунослик муаммолари.**

Режа:

1. Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида
2. “Янги Ўзбекистон-янгича дунёқарааш” ғоясининг мазмуни

**Таянч сўзлар:** халқ таълими тизими, тарих фани ўқитувчиси новаторлиги, диссертациялар, монографиялар, тарих ўқитишининг асосий шакли, тарихни объектив ва холисона ўрганиш, тарихий жараёнларни таҳлил қилиш.

#### **Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида**

Кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистон тарихини ўрганишга нисбатан тобора ўсиб бораётган қизиқиш ва интилишни ҳисобга олиб кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжаллаб Ўзбекистон тарихидан энг зарур билим ва маълумотлар берувчи бир қатор оммабоп қўлланма ва китоблар яратилмоқда. Айниқса, 2017-2019 йиллар давомида тадқиқотчилар томонидан илмий диссертациялар, монографиялар қўплаб нашр қилинмоқда. Мазкур тадқиқотларни янгиликларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш истиқболдаги тарих фани ўқитувчисининг креативлигини оширади. Жумладан, “Ўзбекистон тарихи” (ўқув қўлланма. -Тошкент, “Университет”, 1997); «Ўзбекистон тарихи. (қисқача маълумотнома, -Тошкент. 2000); «Ўзбекистон тарихи (маъruzalар тўплами, -Тошкент, 2000); «Ўзбекистон тарихи» (1-қисм, -Тошкент, 2002); «Ўзбекистон тарихи» (олий ўқув юртларининг номутахасис факултетлари талабалари учун дарслик, -Тошкент, «Янги аср авлоди», 2005) кабиларни асосий дарсликлар ҳисобланади. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, тарихчи олимлар тарихимизнинг ҳали яхши тадқиқ этилмаган саҳифаларини янгича ёндашувлар асосида ёритган тадқиқотлар

яратиб, янги тарихимизни ёзишга, Ўзбекистон тарихи фанини олий ўқув юртларида, айниқса уларнинг тарих факултетларида ўқитишни такомиллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу ўринда муаллифлар жамоалари томонидан яратилган Ўзбекистоннинг янги тарихининг учта китобини, "Ўзбек давлатчилиги тарихи", "Туркестан в начале XX века: к истории истоков националной независимости", "Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи", "Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш" каби китобларни кўрсатиб ўтиш зарур.

Шу нарса аёнки, халқ таълими тизимисиз, шу жумладан, тарих фанидан таълим бериш янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқдаки, бу ҳол Ўзбекистон тарихидан дарслклар ва ўқув қўлланмаларни вақти-вақти билан янгилаб, бойитиб ва такомиллаштириб туришни зарур қилиб қўяди. Дарҳақиқат, тарих таълими самарадорлигини ошириш манфаатлари, талабаларни тарих илми билан тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол мафкураси ва унинг энг муҳим тамойилни шакллантириш зарурияти ана шу ишни амалга оширишни тақозо этади.

Чиндан ҳам Ўзбекистон тарихи фани янгиланиш, ўсиш, ривожланиш жараёнини бошдан кечираётган экан, бу фандан ўқилаётган маърузалар, яратилган дарслклар ва ўқув қўлланмалари вақти-соати билан янгиланиб туриши, янгиликлар ва тарихшунослигимиз эришаётган кейинги ютуқларни ўзларида акс эттириб боришлари лозим. Мазкур қўлланмани тузувчилар уни яратишга жазм этар эканлар, ана шу ҳолни назарда тутганлар. Китоб Ватанимиз тарихининг фавқулодда катта, моҳиятан ғоят муҳим ва бой саҳифасини ёритишга бағишлиандики, бу давр қиёфасини ифода этувчи мавжуд адабиётларнинг барчаси ҳам тарих фанимизнинг кейинги ютуқларини акс эттириб улгурганича йўқ. Модомики шундай экан, янги дарслк ва ўқув қўлланмаларини яратиб, бу ютуқларни акс эттириб, талабаларга етказиш долзарб аҳамият касб этади.

Хозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновацияларни

кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар кўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишининг янги мазмун, шакл, метод ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайди.

Дарҳақиқат, янгилangan таълим тизимини жорий этишда тарих фани ўқитувчисининг ўз фанигава баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўргана бориб, уларни ўз меҳнат фаолиятида изчил қўллай билиш маҳоратига эга бўлиши бугунги куннинг муҳим талабидир.

Шунингдек, бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тарихчи-педагог кадрлар тайёрлашнинг сифатини кўтаришда талабаларни илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали, замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади. Бундан ташқари замонавий ўқитиши технологиялари, улар билан боғлиқ методик ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларда зарурӣ билимлар, муҳим қонуниятлар, кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил, чукур ва мустаҳкам шакллантириш учун қулай шароит яратади.

Бўлажак тарих ўқитувчисининг чукур билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янгиликлардан унумли фойдаланиш малакасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилмоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга

интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарблиқдан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда педагогиканинг мустақил соҳаси - педагогик инноватика жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Тарих фани ўқитувчиси новатор бўлиши шарт. Новаторлик ва янгилик - маданият, таълим ва умумийликда жамият ривожланишининг икки жиҳати. Анъаналар ва янгиликларнинг хилма-хил муносабатларига таяниб, маданиятшунослар жамиятни анъанавий ва замонавийга ажратиб кўрсатишади. Анъанавий жамиятда анъана новаторлик устидан ҳукмронлик қиласи. Замонавий жамиятларда эса, новаторлик базали қадрият саналади.

Йигирманчи асрнинг сўнгти йилларида жаҳон миқёсида таълим соҳасида юзага келган қуйидаги “инқироз”ли ҳолатлар “қўллаб-қувватловчи” таълимнинг муқобили сифатида “инновацион” таълимни ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлди. Турли давлатларда унинг хилма-хил шаклда намоён бўлишида қуйидаги умумий жиҳатлар ёрқин намоён бўлмоқда:

- 1) ижтимоий амалиёт ривожланиши эҳтиёжлари ва олий таълим битиравчиларининг реал тайёргарлик даражасининг ўзаро мослигини таъминлаш;
- 2) Олий таълимда тарих фанига янги мақсадларнинг қўйилиши ҳамда дарснинг ташкилий тузилиши ва шаклларининг ўзгариши;
- 3) таълим жараёнига ўқувчиларнинг қизиқиш ва имкониятларининг ортиши. Айниқса, Ўзбекистон тарихи фанининг кириш имтиҳонларига мажбурий фан сифатида киритилиши бу жиҳатдан аҳамиятлиdir.

1979 йилда “Рим клуби” аъзолари “ўзининг асосида аввал маълум, тақрорланувчи вазиятларга тузатиш киритиш учун тақдим этилган метод ва қоидаларни ифода этувчи” таълим тизимини “қўллаб-қувватловчи” таълим деб номлашди. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг муқобили сифатида “инновацион таълим” тушунчаси ҳам қўлланила бошланди.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни

иқтисодий тарақкий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади. Мазкур жараёнда Тарих фани ўқитувчиси қуидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси: таълим олувчиларнинг таълим жараёнидаги хатти-ҳаракатлари тест ўtkазиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши кутиладиган хатти-ҳаракатларга тўла мос келади;

- ўхшаш амалиёт қоидаси: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган хатти-ҳаракатларини ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳиятан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;

- натижаларни аниқлаш қоидаси: таълим олувчига унинг ҳар бир хатти-ҳаракатининг мазмунини баҳолаш натижалари бўйича маълумот бериш, мазкур шартга аксарият ҳолларда жорий назоратни ташкил қилиш жараёнида риоя этилади;

- рағбатлантириш қоидаси: ўқувчининг мақбул хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб бориш, педагогик фаолият жараёнида таълим олувчи томонидан содир этилган салбий хатти-ҳаракатлар учун унга танбех берилмайди, балки уларни бартараф этиш истагини юзага келтирувчи амалий кўрсатма берилади. Масалан, “яна бир марта уриниб кўр”, “янада чуқурроқ ўйлаб кўр”, “масалани ҳал этишнинг янада осонроқ йўли бор, уни топишга уриниб кўр” ва ҳакозолар.

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг

жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммолар сирасига куйидагиларни киритиш мумкин:

1) Олий таълимда тарих фанлари бўйича қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмалар асосан интерфаол методларга фақат таъриф бериш, мазмуни ва қўллаш бўйича умумий характерга эга. Уларда алоҳида фан ва унинг мавзуларига доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълимдадаги таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади.

2) Тарих фанларидан дарс олиб бораётган профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим. Оддий бир мисол: ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотида кластер методини қўллайди. Энг қизиги, мазкур метод орқали ўқув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати кўп учрайди. Бундан ташқари, уч-тўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод талабаларнинг маълум бир нарса-ходиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни

тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади;

3) Тарих таълими жараёнига педагогик технологияларни тадбиқ этиш анъанавий ўқитиши тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллашга зарурият йўқ. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўқув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг технологик ёндашувни нотўғри талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишлари ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Тарих ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан, маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши тарих фани ўқитувчиси орқалигина самарали амалга ошиши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамиизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги методик вазифаларни мувафақиятли ҳал этиш лозим:

1) Тарих фани ўқитувчиси “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда кўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий

таълимда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияяга қаратилиши керак;

2) Тарих фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интферфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади;

3) фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолищдан сақланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади;

Ўзбекистон тарихи фани бўйича янги нашрдан чиқкан дарслик<sup>2</sup>дан “Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти бошқарув тизимининг тузилиши ва иқтисодий соҳасидаги ўзгаришлар” (4-мавзу, 20-25 -бетлар), “БХСРнинг ташкил топиши ва фаолияти” (6-мавзу, 31-37-бетлар), “Ўзбекистонда совет ҳокимияти юритган маданий сиёсати” (14-мавзу, 75-80-бетлар) каби бир қатор мавзуларни ўтаётганда “Вақф мулкларига қандай мулклар кирган?”, “Диний муассаса ва ташкилотлар қандай фаолият юритган?”, “Вақфларнинг ўтмишда ва маданий тарихимизда роли қандай бўлган?”, “Ислом маънавияти ва шариатида вақфлар ўтмишда қандай роль ўйнаган?”, “Мутаваллилар кимлар эди?”, “Вақф мулкларидан келган даромадлар нималарга сарфланган?”, “Осори-атиқаларимизни, меъморчилик обидаларимизни сақлашда, асрраб-авайлашда ва таъмирлашда вақф даромадлари нечоғлик роль ўйнаган?” каби саволларни ўқувчи олдига қўйиш, уларга жавоб топиш ва изоҳлаб бериш учун мақола мавзуда келтирилган факт ва рақамлардан унумли фойдаланишлари мумкин. Бу эса ўқувчи ва ўқитувчининг бу

<sup>2</sup>O‘zbekiston tarixi: O‘rta ta’lim muassasalarining 10-sinf va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalarining o‘quvchilari uchun darslik / Mual. : Q.Rajabov, A.Zamonov. 1-nashri. –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. -144 b.

йўналишдаги илмий тушунча ва тасаввурларни бойитишга хизмат қиласди. Бу маълумотларни ўқитувчи бир қатор илмий монографиялар орқали фойдаланиши мумкин.

Истиқлол йилларида тарихни объектив ва холисона ўрганиш, тарихий жараёнларни таҳлил қилиш орқали келажак истиқболларини белгилаш вазифалари долзарб қилиб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг шахсан ташаббуси билан тарих фани олдидағи стратегик режалар белгилаб берилди. И.А.Каримовнинг 1998 йил июн ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти етакчи тарихчи олимлари билан бўлган учрашуви ҳамда “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида тарихчилар ҳамда тарих фани соҳаси мутахассислари олдидағи вазифалар аниқлаштирилган эди.

“Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши керак”<sup>3</sup>, -деб фикр билдирилади асарда. Демак, истиқлол туфайли тарихни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Тарихдан жудо бўлиш, ҳаётдан жудо бўлиш” эканлиги исбот талаб қилмайдиган шиор бўлиб қолди. Иккинчидан, ўзбек давлатчилиги тарихи босқичларини илмий, асл манбаларга таянилган ҳолда ўрганиш кун тартибига қўйилди. Холбуки, Ўзбекистонда сиёсат, тарих, ахлоқ, фалсафа, хўжалик ҳаёти (дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик), адабиёт, санъат соҳаларига қаратилган юз мингдан ортиқ қўлёзма асарлар, манбалар турли кутубхоналарда, архив фонdlарида сакланаётган экан, уларни ўрганиш асосида миллий менталитет ва хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тарихий асарлар яратиш зарурати ҳамон ҳам мавжуд<sup>4</sup>.

Тарихни баҳс, мунозара асосида ўрганиш орқали комил инсонни тарбиялаш қуролига айлантириш, тарихий хотирани шакллантириш асосида қатъиятли, мустаҳкам иродали, эътиқодида событқадам турадиган шахсларни тарбиялаш, одамларимиз онгига маънавий илдизларимиз бўлган

<sup>3</sup>Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. –Б.5.

<sup>4</sup>Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция материаллари (Самарқанд, 2014 йил 15 май) // Халқ сўзи. 2014 йил 17 май.

сарчашмаларни сингдириш кабиларни давр тақозо қиласди. Бу ўринда тарихимизнинг турли босқичларида ўтган, халқ орасидан етишиб чиқкан давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар, халқ қаҳрамонлари, фан ва маданият дарғаларига объектив ва холисона баҳо бериш, уларнинг ҳаёт йўли ибрати билан тарбиялаш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ҳеч қандай бўшлиқ бўлмаслигига эришиш, хуллас, “Куч билим ва тафаккурда” деган қоидага амал қилиш тамойилини шакллантириш тарих фани ўқитувчиси олдига долзарб вазифаларни қўяди.

Бугунги кунда тарих фани ўқитувчисига қўйиладиган муҳим талаблар қўйидагилар деб ҳисоблаймиз:

1. Тарихни ўтмишда ва ҳозирда кечаётган шунчаки далил ва рақамлар ҳамда воқеликлар жараёнигина деб қараш эмас, балки маънавий мерос, ҳаёт ва яшаш, истиқбол пойдевори сифатида идрок этиш салоҳиятига эга бўлиш.
2. Ўзбекистон тарихи воқеликларини теран кузатиб бориш, Ўзбекистон тарихи умумжаҳон тарихининг ажralmas бир қисми эканлиги, шунингдек, ўзига хос тараққиёт хусусиятларига эгалигини ҳам назардан қочирмаслик.
3. Ўз билим ва кўникмаларини доимо такомиллаштириб бориш, ҳар бир ўтиладиган мавзууни “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” билан боғлаб ўқувчи ва талabalар онгига сингдириш услубини қўллаш.
4. Ўқитувчи илм-фан ва технология соҳасида юз берадиган интенсив ўзгаришларни илғай олиши, оммавий-ахборот воситалари, интернет маълумотларини, инновацияларни ўтиладиган ҳар бир дарс жараёнига олиб кириши, таълимни самарали бўлиши учун замонавий техника воситаларидан фойдаланиши керак.
5. Ўқувчи ва талabalарни Ўзбекистонда, Марказий Осиё минтақасида ҳамда жаҳонда кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнлардан мутассил хабардор қилиб туриш учун тарих фани ўқитувчиси доимий ўзини-ўзи такомиллаштиришга эътибор қаратиши зарур.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича

- ёндошув ва таҳлилларни қандай изоҳлайсиз?
2. XX асрнинг 50-80-йиллари тарихий жараёнларига муносабат билдиринг.
  3. Мустақиллик йиллари тарихчилар олдида турган муҳим вазифаларни изоҳланг.
  4. “Янги Ўзбекистон-янгича дунёқараш” ғоясининг мазмунин очиб беринг.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Илк давлатчилигимиз тарихий илдизлари.

#### Режа:

- Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва ilk давлатчилигимиз илдизлари.
- Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимида оид янги тадқиқотлар натижалари.


#### Амалий машғулотнинг мақсади:

- Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва ilk давлатчилигимиз илдизлари таҳлил этиш;
- Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимида оид янги тадқиқотлар натижаларини ўрганиш.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Кластер” интерфаол усулидан фойдаланилади.

#### Амалий машғулот учун топшириқлар (таянч тушунчалар):

- Хусусий мулк
- Илк давлатчилик
- Ҳарбий демократия
- Халқаро алоқалар
- Маданий алоқалар
- Миграция
- Зардуштийлик
- Дарё цивилизацияси
- Окс цивилизацияси
- Меҳнат тақсимоти



**Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар:**

- “Кластер” методини ўтказиш босқичларида асосан мавзуга оид таянч тушунчаларга эътибор қаратилади
- Таянч тушунчалар орқали мавзуга оид 5 та аниқ маълумот қайд этилади.
- Маълумотларнинг ишончлилиги ва аҳамиятини кўрсатиш мақсадида фойдаланилган манбалар қайд этилади.
- Муайян тушунча доирасида имконият қадар қўпроқ янги ғояларни ийғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатилади.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Концептуал жадвал” интерфаол усулидан фойдаланилади.

**Амалий машғулот учун топшириқлар:**

1. Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши сабаб ва омиллари, муаммонинг ечими ҳамда хulosаси

2. Илк давлатчилигимиз илдизлари сабаб ва омиллари, муаммонинг ечими ҳамда хulosаси
3. Марказий Осиё қадимги давр ҳалқаро маданий алоқалар тизимиға оид янги тадқиқотлар натижаларининг сабаб ва омиллари, муаммонинг ечими ҳамда хulosаси

**Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли  
кўрсатма ва тавсиялар:**

<b>Муаммонинг мазмуни</b>	<b>Сабаб ва омиллари</b>	<b>Муаммонинг ечими</b>	<b>Хулоса</b>
<b>1. Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши сабаб ва омиллари, муаммонинг ечими ҳамда хulosаси</b> <b>2. Илк давлатчилигимиз илдизлари сабаб ва омиллари, муаммонинг ечими ҳамда хulosаси</b> <b>3. Марказий Осиё қадимги давр ҳалқаро маданий алоқалар тизимиға оид янги тадқиқотлар натижаларининг сабаб ва омиллари, муаммонинг ечими ҳамда хulosаси</b>			

- “Концептуал жадвал” орқали муаммоли вазият яратилди
- муаммонинг мазмунининг тушуниш муҳим босқич ҳисобланади(1-устун)
- Воқеликларнинг сабаб ва омиллари билан ( 2-устун) тўлдирилади
- Муаммонинг ечими тўлиқ изоҳланиши керак (3-устун).
- Тегишли яқуний хulosалар эса муҳим босқич ҳисобланади (4-устун)

**2-мавзу: Қадимги Бақтрия кавийлиги.**

**Режа:**

1. Қадимги Бақтрия кавийлиги ҳақида айрим муроҳазалар.

2. Илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши.

### **Амалий машғулотнинг мақсади:**

- Қадимги Бақтрия кавийлигини таҳлил этиш;
- Илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилишига оид янги тадқиқотлар натижаларини ўрганиш.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Веен диаграммаси” интерфаол усулидан фойдаланилади.

### **Амалий машғулот учун топшириқлар:**

1. Қадимги Бақтрия кавийлигини тушунчасининг умумий ва хусусий жиҳатларини таҳлил қилиш

“Веен диаграммаси” орқали Қадимги Бақтрия кавийлигига хос умумий белгиларни қиёсий таҳлил қилинади. Масаланинг ўзаро боғлиқлигини хulosалаш учун қуидаги тушунчалар танланди:

1)\* Қадимги Бақтрия кавийлиги 2)\* Қадимги Хоразм 3)\* Қадимги Парфия



А)\*

Б)\*

2. Илк ёзувлар тарихини қиёсий ўрганиш

“Веен диаграммаси” орқали илк ёзувларга хос умумий белгиларни қиёсий таҳлил қилинади. Масаланинг ўзаро боғлиқлигини хulosалаш учун қуидаги тушунчалар танланди:

1)\* оромий ёзуви 2)\* кушон ёзуви 3)\* кўктурк ёзуви



A)\*

Б)\*

**Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли  
кўрсатма ва тавсиялар:**

- Янги педагогик технологиялардан бири “Венн диаграммаси” интерфаол усули ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим
- Мавзу бўйича назарий маълумотлар яхши ўзлаштирилиши керак
- “Венн диаграммаси” интерфаол усули қиёсий таҳлилга асосланган бўлиб, масала моҳияти унга яқин бўлган тушунча ва маълумотлар орқали ўзлаштирилади.
- 1-, 2-, 3- тушунчалар тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилганидан сўнг, уларни боғловчи ҳусусиятларни А)\* ва Б)\* қаторга тўлдирилади ҳамда тегишли хуносага келинади.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Ақлий хужум” интерфаол усулидан фойдаланилади.

**Амалий машғулот учун топшириқлар:**

1. Қадимги Бақтрия шимолий чегараси...?
2. “Кавийлик” нима?
3. “Кавийлик”нинг вазифаси қандай?
4. Миххат ёзуви бу -...
5. Ҳарфий ёзув бу- ...
6. Кушон ёзуви бу- ...
7. Қадимги Бақтрия пойтахти бу- ...
8. Қадимги Бақтрия солиқ тизими бу- ...
9. Ёзув тадқиқотчиси бу -...
10. Қадимги Бақтрия даври ислоҳотлари бу -...
11. Бақтрияда дастлабки шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёни ...
12. Қадимги аҳоли сурорма дехқончилик маданияти ...

**Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли  
күрсатма ва тавсиялар:**

- “Ақлий хұжум” методининг асосий қоидаларидан мұхими-тезлик билан масала моҳиятини очиб берішдан иборат.
  - Берилған топшириқтарни айнан манба билан мослиги инобаттаға олинниши лозим.
  - Ҳар бир топшириқни бажариш учун кам вақт ва сифатли натижа мұхим ҳисобланади.
  - Хулоса чиқариш учун йиғилған маълумотлар умумлаштирилади ва тизимга солинади.

**З-мавзу: Илк ўрта асрларда Сүғдиёна.**


Режа:

1. Илк ўрта асрлар Сүғдиёна хунармандчилиги тарихи
  2. Илк ўрта асрлар Сүғдиёна хунармандчилиги тарихини ўрганишга доир янгича ёндашувлар

## **Амалий машғулотнинг мақсади ва вазифалари:**

- Илк ўрта асрлар Сўғдиёна ҳунармандчилиги тарихини таҳлил этиш;
  - Илк ўрта асрлар Сўғдиёна ҳунармандчилиги тарихини ўрганишга доир янгича ёндашувларга оид янги тадқиқотлар натижаларини ўрганиш.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Т - чизма” интерфаол усулидан фойдаланилади.



### **Амалий машғулот учун топшириқлар:**

1. Сўғдиёна ҳунармандчилиги: +ижобий, -салбий
2. Сўғдиёна қишлоқ хўжалиги: +ижобий, -салбий
3. Сўғдиёнада ички ва ташқи савдо: +ижобий, -салбий
4. Сўғд-Хитой муносабатлари: +ижобий, -салбий
5. Сўғдда диний вазият: +ижобий, -салбий
6. Сўғд конфедерацияси инқирози: +ижобий, -салбий
7. Туркий – суғд симбиози :+ижобий, -салбий
8. Илмий адабиётлардаги антропогенез жараёни тўртта босқичи: +ижобий, -салбий

### **Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли**

#### **кўрсатма ва тавсиялар:**

**“Т – схема”** ўтказиш босқичларини қўйидагicha олиб борилади:

- Янги педагогик технологиялардан бири “Т – схема” интерфаол усули ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим
- Мавзу бўйича назарий маълумотлар яхши ўзлаштирилиши керак
- “Т – схема” интерфаол усули масала моҳиятини тўлиқ тушуниб олишга асосланган бўлиб, бунда мавзу оид бўлган тушунча, маълумот, тарихий шахслар фаолияти кабиларнинг ижобий+, салбий – хусусиятлари очиб берилади.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Инсерт” интерфаол усулидан фойдаланилади.

#### **INSERT JADVALI**

A	M	-	?

### **Амалий машғулот учун топшириқлар**

#### **Сўғд конфедерацияси даврида ижтимоий-сиёсий ҳолат:**

- ◆ Суғдиёна ҳудудига одамлар қадимги тош асридаёқ кириб келиб, ундан кейинги даврларда тоғ, дарё воҳалари бўйлаб кенг тарқала бошлаганлар
- ◆ Хитой манбаларида Самарканд Сўғди канн деган номда юритилган ва уни маҳаллий сулола вакили бошқариб турганлиги баён килинади.
- ◆ Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё дарёларининг ҳавзасида тўққизта алоҳида мулкий ҳудуд мавжуд бўлиб, уларнинг хар бри шахар ва дехкончилик туманларига эга бўлган
- ◆ Сўғдиёнанинг маҳаллий хокимлари Чоч ва Хоразмнинг мустақил хукмдорлари билан бирлашган эдилар.
- ◆ Йирик сиёсий бирликлар маълум муддатларда шахарлардан бирида уз курултойларини ўtkазиб турганлар.
- ◆ Хоразм бошқа шаҳар-давлатларга нисбатан анча мустақил эди. Мамлакатни Афригийлар сулоласига мансуб подшолар бошқариб турган.

#### **Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли**

##### **кўрсатма ва тавсиялар:**

- Янги педагогик технологиялардан бири “Инсерт” интерфаол усули ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим
- Мавзу бўйича назарий маълумотлар яхши ўзлаштирилиши керак
- Юқорида берилган матн жиддий ўқилади
- Махсус белгилар ёрдамида (“A”- таниш маълумот; “M”- янги маълумот; “?”- бу маълумот мен учун тушунарсиз) муносабат билдирилади
- Махсус белгилар орқали ўз билим, қўникма ва малақалар ҳосил қилинади
- “A”- таниш маълумот бўлса, қайси манбадан қачон ўрганилганлиги қайд этилади

“M”- янги маълумот, “?”- бу маълумот мен учун тушунарсиз” бўлса, фикрларга муносабат ўрганилиши лозим.

## **4-мавзу: Турк ҳоқонлиги ва Араб халифалиги даври.**

### **Режа:**

1. Турк ҳоқонлиги давлатининг Ўзбекистон давлатчилигига тутган ўрни масаласи.
2. Марказий Осиёга Араб халифалиги босқини.

### **Амалий машғулотнинг мақсади ва вазифалари:**

- Турк ҳоқонлиги давлатининг Ўзбекистон давлатчилигига тутган ўрни масаласини таҳлил этиш;
- Марказий Осиёга Араб халифалиги босқинига доир янги тадқиқотлар натижаларини ўрганиш.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Ақлий ҳужум” интерфаол усулидан фойдаланилади.

### **Амалий машғулот учун топшириқлар:**

1. Турк ҳоқонлиги ...?
2. “Ябғу” нима?
3. “Шод”нинг вазифаси қандай?
4. Тўнябғу ким?
5. Фатҳ бу- ...
6. Халифалик бу- ...
7. Ислом фикҳи бу- ...
8. Араблар даври солиқ тизими бу- ...
9. Норозилик ҳаракатлари бу -...
10. Араблар даври ислоҳотлари бу -...

### **Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар:**


- “Ақлий ҳужум” методининг асосий қоидаларидан муҳими-тезлик билан масала моҳиятини очиб беришдан иборат.
- Берилган топшириқларни айнан манба билан мослиги инобатга олиниши лозим.

- Ҳар бир топшириқни бажариш учун кам вақт ва сифатли натижа мухим ҳисобланади
- Хулоса чиқариш учун йигилган маълумотлар умумлаштирилади ва тизимга солинади.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Кластер” интерфаол усулидан фойдаланилади.

#### **Амалий машғулот учун топшириқлар (таянч тушунчалар):**

1. Будун
2. Ясок
3. Ҳоқон
4. Халқаро алоқалар
5. Маданий алоқалар
6. Хурсон ноиблари
7. Аркон
8. Бешинчи цивилизация
9. Жизъя
10. Девон ад-дар



## **Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар:**

- “Кластер” методини ўtkазиш босқичларида асосан мавзуга оид таянч тушунчаларга эътибор қаратилади
- Таянч тушунчалар орқали мавзуга оид 5 та аниқ маълумот қайд этилади.
- Маълумотларнинг ишончлилиги ва аҳамиятини кўрсатиш мақсадида фойдаланилган манбалар қайд этилади.
- Муайян тушунча доирасида имконият қадар қўпроқ янги ғояларни йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатилади.

### **5-мавзу: Ўзбекистон илк уйғониш даврида**

#### **Режа:**

1. IX-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида сулолалар бошқаруви
2. Уйғониш даври буюк аждодларимиз илмий мероси

#### **Амалий машғулотнинг мақсади ва вазифалари:**

- IX-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида сулолалар бошқаруви масаласини таҳлил этиш;
- Уйғониш даври буюк аждодларимиз илмий меросига доир янги тадқиқотлар натижаларини ўрганиш.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Концептуал жадвал” интерфаол усулидан фойдаланилади.

#### **Амалий машғулот учун топшириқлар:**

- 1.** IX-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида сулолалар бошқаруви масаласи сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими.
- 2.** Буюк аждодларимиз илмий меросига доир белгиланган вазифаларнинг сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими.
- 3.** Буюк аждодларимиз илмий меросига доир янги тадқиқотлар натижаларини ўрганишнинг устувор йўналишларини сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими.

**Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли  
кўрсатма ва тавсиялар:**

<b>Муаммонинг мазмуни</b>	<b>Сабаб ва омиллари</b>	<b>Муаммонинг ечими</b>	<b>Холоса</b>
<b>1.IX-XII асрлар</b> Ўзбекистон худудида сулолалар бошқаруви масаласи сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими			
<b>2.Буюк аждодларимиз илмий меросига доир белгиланган вазифаларнинг сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими</b>			
<b>3.Буюк аждодларимиз илмий меросига доир янги тадқиқотлар натижаларини ўрганишининг устувор йўналишларини сабаб ва омиллари ҳамда муаммолар ечими</b>			

- “Концептуал жадвал” орқали муаммоли вазият яратилди
- муаммонинг мазмунининг тушуниш мухим босқич ҳисобланади(1-устун)
- Воқеликларнинг сабаб ва омиллари билан ( 2-устун) тўлдирилади
- Муаммонинг ечими тўлиқ изоҳланиши керак (3-устун).
- Тегишли якуний холосалар эса мухим босқич ҳисобланади (4-устун)

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Т - чизма” интерфаол усулидан фойдаланилади.

+

-

+

-

+

-

### **Амалий машғулот учун топшириқлар:**

1. Сомонийлар даври хунармандчилиги: +ижобий, -салбий
2. Сомонийлар даври қишлоқ хўжалиги: +ижобий, -салбий
3. Сомонийлар даври ички ва ташқи савдо: +ижобий, -салбий
4. Буюк аждодларимиз илмий меросига доир янги тадқиқотлар натижалари: +ижобий, -салбий
5. Қораҳонийлар даври диний вазият: +ижобий, -салбий
6. Хоразмшоҳлар инқирози: +ижобий, -салбий
7. Буюк аждодларимиз илмий мероси дунё олимлари нигоҳида: +ижобий, -салбий
8. Илмий адабиётлардаги аждодларимиз илмий мероси таҳлили: +ижобий, -салбий

### **Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар:**

**“Т – схема”** ўтказиш босқичларини қўйидагича олиб борилади:

- Янги педагогик технологиялардан бири “Т – схема” интерфаол усули ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим
- Мавзу бўйича назарий маълумотлар яхши ўзлаштирилиши керак
- “Т – схема” интерфаол усули масала моҳиятини тўлиқ тушуниб олишга асосланган бўлиб, бунда мавзу оид бўлган тушунча, маълумот, тарихий шахслар фаолияти кабиларнинг ижобий+, салбий – хусусиятлари очиб берилади.

### **6-мавзу: Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида.**

#### **Режа:**

1. Совет даври тарихига замонавий ёндашув.
2. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошув ва таҳлиллар.

### **Амалий машғулотнинг мақсади вазифалари:**

- Совет даври тарихига замонавий ёндашув масаласини таҳлил этиш;
- Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгила ёндошувларга доир янги тадқиқотлар натижаларини ўрганиш.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Инсерт” интерфаол усулидан фойдаланилади.

## INSERT JADVALI

A	M	-	?

### Амалий машғулот учун топшириқлар

#### **Собиқ совет даврида ижтимоий-сиёсий ҳолат:**

- ◆ Моддий манфаатдорлик пасайди;
- ◆ Ишлаб чиқариш устидан мустабид тузум ва коммунистик мафкуранинг зўравонлиги;
- ◆ Ишчининг ижодий фаолиятига бефарқлик;
- ◆ Ишлаб чиқариш муносабатларидан ишчининг бегоналиги;
- ◆ Ижтимоий-сиёсий фаолликнинг пастлиги;
- ◆ Ўзбекистон ҳудудининг 5% да 65% саноатининг жойлашуви;
- ◆ Саноатнинг хом ашёдан келадиган даромад ҳисобидан таъминланиши;

#### **Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар:**

- Янги педагогик технологиялардан бири “Инсерт” интерфаол усули ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим

- Мавзу бўйича назарий маълумотлар яхши ўзлаштирилиши керак
- Юқорида берилган матн жиддий ўқилади
- Махсус белгилар ёрдамида (“А”- таниш маълумот; “М”- янги маълумот; “?”- бу маълумот мен учун тушунарсиз) муносабат билдирилади
- Махсус белгилар орқали ўз билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади
- “А”- таниш маълумот бўлса, қайси манбадан қачон ўрганилганлиги қайд этилади
- “М”- янги маълумот, “?”- бу маълумот мен учун тушунарсиз” бўлса, фикрларга муносабат ўрганилиши лозим.

**Амалий машғулотда** янги педагогик технологиялардан бири - “Веен диаграммаси” интерфаол усулидан фойдаланилади.

#### **Амалий машғулот учун топшириқлар:**

1. **Собиқ совет даврида ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг умумий ва хусусий жиҳатларини таҳлил қилиш**

“Веен диаграммаси” орқали **совет даврида ижтимоий-сиёсий ҳолатга** хос умумий белгиларни қиёсий таҳлил қилинади. Масаланинг ўзаро боғлиқлигини хulosалаш учун қуйидаги тушунчалар танланди:

- 1)\* совет даврида ижтимоий-сиёсий ҳолат 2)\* Чор Россияси мустамлакачилиги даврида ижтимоий-сиёсий ҳолат 3)\* мустақиллик даврида ижтимоий-сиёсий ҳолат



A)\*

Б)\*

**Амалий машғулот учун топшириқларини бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар:**

- Янги педагогик технологиялардан бири “Венн диаграммаси” интерфаол усули ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим
- Мавзу бўйича назарий маълумотлар яхши ўзлаштирилиши керак
- “Венн диаграммаси” интерфаол усули қиёсий таҳлилга асосланган бўлиб, масала моҳияти унга яқин бўлган тушунча ва маълумотлар орқали ўзлаштирилади.
- 1-, 2-, 3- тушунчалар тўғрисида тўлик маълумотлар берилганидан сўнг, уларни боғловчи хусусиятларни А)\* ва Б)\* қаторга тўлдирилади ҳамда тегишли хуносага келинади.

## V. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Авесто</b>	Энг қадимги ёзма манбалардан бири, зардуштийларнинг муқаддас китоби	The Avesta is the primary collection of religious texts of Zoroastrianism, composed in the otherwise unrecorded Avestan language
<b>Антик давр</b>	қадимги дунё тарихи даври.	Antiquity may refer to any period before the Middle Ages (476–1453), but still within Western civilization-based human history or prehistory: Ancient history, any historical period before the Middle Ages Classical antiquity, the classical civilizations of the Mediterranean
<b>Археология</b>	юнонча “архайос” – қадимги, “логос” – фан, қадимшунослик.	Archaeology or archeology, is the study of human activity through the recovery and analysis of material culture. The archaeological record consists of artifacts, architecture, biofacts or ecofacts, and cultural landscapes.
<b>Инновация</b>	янгиланиш, тарихий жараёнда, маданиятда, фанда вужудга келган янги услублар, ихтиrolар ва кашифийлар.	Innovation can be defined simply as a "new idea, device or method". However, innovation is often also viewed as the application of better solutions that meet new requirements, unarticulated needs, or existing market needs. This is accomplished through more-effective products, processes, services, technologies, or business models that are readily available to markets,

		governments and society. The term "innovation" can be defined as something original and more effective and, as a consequence, new, that "breaks into" the market or society.
<b>Авесто</b>	Энг қадимги ёзма манбалардан бири, зардуштийларнинг муқаддас китоби	The Avesta is the primary collection of religious texts of Zoroastrianism, composed in the otherwise unrecorded Avestan language
<b>Интернет</b>	[лот. интер — аро ва нет (ворк) — тармоқ] — катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармокларини ўзаро боғловчи бутунжахон компьютер тизими.	The Internet is the global system of interconnected computer networks that use the Internet protocol suite (TCP/IP) to link billions of devices worldwide. It is a network of networks that consists of millions of private, public, academic, business, and government networks of local to global scope, linked by a broad array of electronic, wireless, and optical networking technologies.
<b>Ойкумена</b>	юнонлар тасаввурларида инсонлар жойлашган дунё худудларининг чегаралари.	The ecumene (US) or oecumene was an ancient Greek term for the known world, the inhabited world, or the habitable world. Under the Roman Empire, it came to refer to civilization and the secular and religious imperial administration.
<b>Урбанизация</b>	аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг шаҳарларда тўпланиш жараёни.	Urbanization refers to the population shift from rural to urban areas, "the gradual increase in the proportion of people living in urban areas", and the ways in which each society adapts to the change.

<b>Хронология</b>	асрлар, даврлар, вакт ўлчови ҳақидаги фан, юононча “хронос” – вакт, “логос” – фан сўзларидан келиб чиққан тушунча	Chronology is the science of arranging events in their order of occurrence in time. Consider, for example, the use of a timeline or sequence of events. It is also "the determination of the actual temporal sequence of past events".
<b>Этногенез</b>	халқ ва элатларнинг келиб чиқиши.	Ethnogenesis (from Greek "group of people, nation", and genesis, "beginning, coming into being"; plural ethnogeneses) is "the formation and development of an ethnic group." This can originate through a process of self-identification as well as come about as the result of outside identification.
<b>Тарих</b>	Ижтимоий гуманитар фан соҳаси бўлиб, ўтмиш воқеликларини ўрганади	History is the study of the past as it is described in written documents. Events occurring before written record are considered prehistory. It is an umbrella term that relates to past events as well as the memory, discovery, collection, organization, presentation, and interpretation of information about these events.
<b>Буюк ипак йўли</b>	Қадимги савдо йўли	The Silk Road or Silk Route was an ancient network of trade routes that were for centuries central to cultural interaction through regions of the Asian continent connecting the East and West
<b>кўчириш</b>	Муайян халқларни	Deportation is the expulsion of a person or

	бир жойдан бошқа жойга мажбурий кўчириш, депортация	group of people from a place or country.  The term expulsion is often used as a synonym for deportation, through expulsion is more often used in the context of international law, while deportation is more used in national (municipal) law.
<b>маданият</b>	Жамият, инсон ижодий куч ва қобилияtlари тарихий тараққиётининг муайян даражаси	Culture can be defined in many different ways. In the words of anthropologist E.B. Tylor, it is "that complex whole which includes knowledge, belief, art, morals, law, custom and any other capabilities and habits acquired by man as a member of society.
<b>ГИС</b>	Географик ахборот тизимлари	A geographic information system (GIS) is a system designed to capture, store, manipulate, analyze, manage, and present spatial or geographic data. The acronym GIS is sometimes used for geographic information science (GIScience) to refer to the academic discipline that studies geographic information systems and is a large domain within the broader academic discipline of geoinformatics.
<b>Этногенез</b>	халқ ва элатларнинг келиб чиқиши.	Ethnogenesis (from Greek "group of people, nation", and genesis, "beginning, coming into being"; plural ethnogeneses) is "the formation and development of an ethnic group." This can originate through a process of self-identification as well as come about as the result of outside identification.

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ти ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
19. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
20. Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.
21. Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz so’z, 2017.
22. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

23. Аминов Б., Расулов Т. Ватан – юрақдаги жавохир. – Т.: Укитувчи, 2001. - 232 б.
24. Ватан ва миллат муқаддасдир. – Т.: Маънавият, 2000. – 104 б.
25. Иброҳимов А. Биз ким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари хақида мулоҳазалар. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 400б.
26. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
27. Иброҳимов А. Миллат овози. “Шарқ”- Т., 2002. – 240 б.
28. Қосимов Р., Содиқов М. Мустақиллик – олий неъмат. Т., 2000.
29. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2001.
30. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Учинчи китоб. Т.: Шарқ, 2000.
31. Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва хозирги холат. Т: ТИУ, 2011.

#### **IV. Интернет сайлар**

32. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
33. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
34. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
35. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Таълим портали